


YANG O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ 2023

DAVRIYLIGI: 2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF ETILGAN ELEKTR CHIROG'



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

 TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.
 +998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00
 WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ

 IYUN №53

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
1-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-1**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-1**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 53-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 44 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Арипов Тимур Усанович ПОНЯТИЕ КОРРУПЦИИ И ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ.....	7
2. Тўхтаназарова Зарифахон Хамрали қизи ШАХСНИ УШЛАШ ТУРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБЛАРИ.....	9
3. Эшмирзаев Зоҳиджон Мухаммадиевич “ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ” ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ.....	13
4. Анварова Дилдора ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖ- ТИМОЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАНИШИНИ ГЕНДЕР АУДИТ ДОИРАСИДА БАҲОЛАШ ЗАРУРИЯТИ.....	17
5. Ҳазраткулов Лазизбек Бахриддинович СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ТАС- НИФЛАНИШИ.....	19
6. Эшмирзаев Зоҳиджон Мухаммадиевич ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚўЛЛАНИЛИШИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ	23
7. Сайдуллоев Аҳадхон Абдуллоевич ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО СТАТУСА НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ОСУЖДЕННЫХ.....	29
8. Рўзиева Азиза Авазовна МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	32
9. Мирзаев Фарходжон Тахирович АЙРИМ ТОИФАДАГИ ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ЁШГА ДОИР ПЕН- СИЯ ОЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	35
10. Давлетов Артур Жумабаевич ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗО ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУ- СУСИЯТЛАРИ.....	40



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ПОНЯТИЕ КОРРУПЦИИ И ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

Арипов Тимур Усанович,
магистр Высшей школы судей
при Высшем судебном совете
Республики Узбекистан.
Телефон: +998998791787
tima.aripov@bk.ru

Аннотация: Статья посвящена рассмотрению понятия коррупции и противодействия коррупции. Установлено, что вопрос определения понятия коррупции и противодействия коррупции является одним из самых дискуссионных и выступает в качестве предмета исследования самых различных отраслей науки, что подчеркивает его значимость.

Ключевые слова: коррупция, противодействие коррупции, борьба с преступностью.

Annotation: The article is devoted to the concept of corruption and anti-corruption. It is established that the issue of defining the concept of corruption and countering corruption is one of the most debatable and acts as a subject of research in various branches of science, which emphasizes its importance.

Key words: corruption, anti-corruption, fighting crime.

В настоящее время в целях реализации антикоррупционного плана проводятся комплексные работы по развитию государственного аппарата и схемы взаимодействия гражданского общества и средств массовой информации с правительственными структурами, повышению правовой культуры гражданского общества, а также соблюдаются права граждан на получение достоверной информации по фиксированным инцидентам, связанным с коррупцией, текущей ситуации по вопросам правоохранительной деятельности.

Главным принципом совершенствования антикоррупционных мер является системное продуктивное взаимодействие гражданского общества и государства. Само понятие «коррупция» имеет как правовой, так и социально-политический характер, вследствие чего условия эффективной борьбы – это наличие политической воли государства, а также готовность противодействия самим обществом.

Коррупция в Республики Узбекистан является серьезной угрозой для прозрачного управления, демократии, гражданского общества и обеспечения стабильного уровня жизни граждан.

В соответствии с законом «О противодействии коррупции», Коррупция- это незаконное использование лицом своего должностного или служебного положения с целью получения материальной или нематериальной выгоды в личных интересах или в интересах иных лиц, а равно незаконное предоставление такой выгоды.

Изучение норм уголовного законодательства Республики Узбекистан говорит о том, что единого подхода к определению перечня преступлений коррупционной направленности не сложилось. Не исключено, что подобное положение отчасти обусловлено с имеющимся несоответствием сущности коррупционных преступлений с законодательным определением коррупции.

В современном Республике Узбекистан исследуемое явление особенно опасно и наносит вред всем сферам. В связи с этим одним из основных направлений деятельности государства является принятие решительных мер направленных на борьбу с преступлениями коррупционной направленности.

Развитие коррупции может быть обусловлено различными негативными процессами, в числе которых низкий уровень общей и правовой культуры, правосознания и так далее. На



сегодняшний день коррупция имеет многофакторный характер с определенным набором признаков. Законодательно закрепленное определение коррупции нуждается в дальнейшем совершенствовании, так как оно не охватывает многие из существующих форм коррупции.

Различными проявлениями коррупции как негативного социального явления охвачены всевозможные сферы общественной жизни и деятельности государства. Своевременное реагирование на стремительно изменяющуюся ситуацию и появление новых коррупционных проявлений должно являться важнейшей задачей государства и находиться в числе его приоритетов.

Итак, противодействие коррупции представляет собой деятельность органов государственной власти, органов самоуправления, институтов гражданского общества, организаций и физических лиц в пределах их полномочий:

- по предупреждению коррупции, в том числе по выявлению и последующему устранению причин коррупции (профилактика коррупции);
- по выявлению, предупреждению, пресечению, раскрытию и расследованию коррупционных правонарушений (борьба с коррупцией);
- по минимизации и (или) ликвидации последствий коррупционных правонарушений.

Так или иначе, на сегодняшний день в связи с высоким уровнем коррупции, прежде всего, следует наладить координацию действий правоохранителей, надзорных ведомств, а также властей на местах, принять превентивные меры и усилить контроль за использованием бюджетных средств, чтобы не допустить хищений при реализации нацпроектов. Следует более активно очищать от криминала стратегически важные отрасли экономики, использовать положительный опыт по выявлению преступных схем в финансовой и налоговой сферах.

Таким образом, вопрос определения понятия коррупции и противодействия коррупции является одним из самых дискуссионных и выступает в качестве предмета исследования самых различных отраслей науки. Коррупцию следует признать сложным правовым социальным и политическим явлением, в связи с чем работа по противодействию коррупции и проявлениям коррупционной направленности требует проведения дополнительных мероприятий.

Использованные источники:

1. Закон Республики Узбекистан от 03 января 2017 года № ЗРУ-419 «О противодействии коррупции».
2. Конвенция Организации Объединенных Наций “Против коррупции” от 31 октября 2003 года.
3. Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-6181 от 4 марта 2021 года «Об утверждении Концепции развития гражданского общества в 2021-2025 годах».
4. Коррупция как глобальная управленческая проблема / О.Г. Деменко /. 2016 года.
5. Криминология: учебник / под общ. ред. А.И. Долговой. 2019 года.



ШАХСНИ УШЛАШ ТУРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБЛАРИ.

Тўхтаназарова Зарифахон Хамрали кизи
ИИВ Академияси 3-ўқув курси курсанти

АННОТАЦИЯ: Мақолада жиноят процессуал кодекси талаблари асосида амалга оширилган ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг мазмун моҳияти, назарий тушунчалари, қўлланилиш тартиби ва бугунги кундаги амалиётдаги мавжуд муаммолар, уларни ечимлари юзасидан муаллифларнинг фикрлари баён этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: *ушлаб туриш, процессуал мажбурлов чораси, миранда қондаси, ушлаб туриш муддати, ушланган шахснинг ҳуқуқлари, ҳимоя ҳуқуқи, ҳимояланиш, кўрсатма беришдан бош тортиш ва бошқалар.*

ANNOTATION: the article describes the essence of the content, theoretical concepts, procedure for application and existing problems in today's practice, the opinions of the authors on their solutions to the holding procedural coercion measure, which is carried out on the basis of the requirements of the Criminal Procedural Code.

Keywords: *detention, procedural coercion measure, Miranda rule, detention period, rights of the person caught, right of protection, protection, refusal to instruct, etc.*

АННОТАЦИЯ: В статье излагается содержание, теоретические понятия, порядок применения и существующие на сегодняшний день проблемы меры процессуального принуждения к задержанию, осуществляемой на основании требований УПК, мнения авторов по поводу их решений.

Ключевые слова: *удержание, мера процессуального принуждения, правило Миранды, срок удержания, права задержанного, право на защиту, защита, отказ в даче показаний и т.*

Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг қўлланилиши шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилиниши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам уни қўллаётган субъектдан ҳар томонлама пухта тайёргарликни, ушлаб туриш қўлланишига сабаб бўлаётган маълумотларни, далилларни чуқур текширишни тақозо қилади. Бошқа процессуал мажбурлов чоралари жиноят иши юритувининг кейинги босқичларида, жиноят иши юзасидан муайян хулосалар чиқарилган, далиллар қисман текширилган пайтда қўлланилса, ушлаб туриш кечиктириб бўлмайдиган вазиятлар учун хослиги билан ажралиб туради.

Ушлаб туриш-Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган фуқароларнинг энг муҳим ҳуқуқлари-шахс эркинлиги билан боғлиқ бўлганлиги учун, у жиноят процессуал қонунига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Жиноятчиликка қарши курашиш қонунбузарларга нисбатан тез ва қатъий чоралар кўришни талаб этади. Шунинг учун ҳам жиноят содир этишга тайёрланаётган, жиноят содир этраётган, жиноят содир этган ёки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс аниқланиши билан уларни ушлаш зарур, чунки озодликда қолдирилган жиноятчилар қочиб кетишлари, далилларни яширишлари ёки янги жиноят содир этишлари, дастлабки тергов ва судни олиб боришга тўсқинлик қилишлари мумкин.

Маълумки, 2016 йил 21 октябрга қадар ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг муддати 72 соатни ташкил қилган. “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4850 сонли Фармони¹ қабул қилиниши муносабати билан жиноят-процессуал қонунига ўзгартириш киритилиб, ушлаб туришнинг муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди. 2021 йил 18 февралдан бошлаб эса, ушлаб туриш муддати шахснинг амалда эркин ҳаракаланиш ҳуқуқи чекланган пайтдан бошлаб ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Албатта, ушлаб туриш муддатининг бундай қисқартирилганлиги шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига асоссиз дахл қилинишини олдини олиш билан узвий боғлиқ. Айни вақтда ушлаб турилган шахснинг ҳуқуқий ҳолатидан фойдаланиб, уни жиноят содир этганликда

1 Ўзбекистон Республикаси онун ушжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.



иқрор бўлишга, ўзини ва бошқа шахсларни фош этиш тўғрисидаги кўрсатувларни беришга мажбурлаш тақиқланади¹.

Бу эса, ўз навбатида, ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини қўллаётган субъектдан унинг муддати давомида барча кечиктириб бўлмайдиган процессуал чораларни кўришни, жиноий ҳодисаси билан боғлиқ ҳолатларни, маълумотларни, далилларни тезкор текшириш, уларни қайд қилишни талаб қилади. Шу сабабли соҳа олимларидан М.Дж. Ботаев терговга қадар текширув органларининг жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш ва уларни қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш фаолияти қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш заруратини илгари сурган².

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шахснинг иши судда қонуний тартибда кўриб чиқилиб, унинг айби судда исботланмагунча у айбдор деб ҳисобланмайди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, процесснинг ҳар қандай босқичида шахсга аввало инсон сифатида қаралиб, унинг ҳуқуқлари ҳамда эркинлари ҳурмат қилиниши, ҳимоя қилиниши ҳамда қонуний таъминланиши биз ИИО лари ходимларининг бош ва асосий мақсадимиздир. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилишлари керак!” Шу ўринда айтиш жоизки, халқимиз ИИО лари ходимлари сиймосида ўзининг ҳимоячисини кўриши керак деган даъватларини ҳаётимиз шиорига айлантирмоғимиз лозим. Шу ўринда шахсни ушлашда нималарга эътибор қаратилиши кераклиги ҳақида халқаро ва миллий қонунчилигимизнинг айрим қоидаларига тўхталиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

“Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин”.

Бу машҳур ибора бир неча марта жиноий жавобгарликка тортилган Эрнест Артуро Миранда исми АҚШ фуқаросининг номи билан боғлиқ.

Гап шундаки, 1966 йили бир неча жиноятни содир этганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган Мирандага сўроқ қилинишдан олдин унинг гумондор сифатидаги ҳуқуқлари ўқиб эшиттирилмаган. Миранда ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда айбига иқрорлик кўрсатувларини берган, бундай кўрсатувлардан эса унинг иқрорлигига исбот сифатида фойдаланилган. Кейинчалик суднинг бу ҳукми Миранда ўз ҳуқуқларидан хабардор қилинмаганлиги сабабли АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинган.

Нега деганда, АҚШ Конституциясининг 5 ва 6-қўшимчаларида ҳеч ким жиноий ишларда ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиниши; ҳеч бир шахс қонуний судда кўрилмай ҳаёти, эркинлиги ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, шунингдек, айбланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, у ўзига қарши кўрсатув бераётган гувоҳлар билан юзма-юз учрашиши, ўзи томонидан гувоҳларни мажбуран келтириш ёки ўз ҳимояси учун адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган эди.

Шундан буён “Миранда қоидаси” дастлаб сўроқ қилиш олдидан ёки ушлаб туриш вақтида гумон қилинувчи ва айбланувчига қуйидаги ҳуқуқлари тушунтирилишини кафолатлади:

“Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, Сиз адвокат билан давлат томонидан таъминланасиз. Ҳуқуқларингизни тушундингизми?”

Шуни айтиш керакки, “Миранда қоидаси” бугунги кунда барча давлатлар Конституцияси ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда умумэтироф этилган норма сифатида белгиланган. Яна бир жиҳати шундаки, “Миранда қоидаси” турли давлатлар қонунчилигида турли хилда ўз ифодасини топган.

¹ Махмудов М.М. Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг тартиби / International Conference on Advance Research in Humanities, Applied Sciences and Education Hosted from New York, USA. <https://conferencea.org> May 28th 2022. Б.-218.

² Ботаев М.Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш / юридик фанлар бўйича фалсафа доктори автореферати. Т.:2020. Б.-9.



Бизнинг қонунчилигимизда ушбу қоида куйидагича ўз ифодасини топган ушлаб туриш Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 221-моддасида санаб ўтилган асослардан бири мавжуд бўлганда ЖПК нинг 224-моддасига асосан амалга оширилади. Жумладан, Ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинган шахсга ўзини таништириб (агар шахс талаб қилса ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши шарт), у жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланганлигини айтиши ва ундан яқин орадаги ИИО га ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришни талаб қилиши керак. Шу билан бирга, ушлаб турилган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларни таништириб ўтиши шарт қилиб белгилаб қўйилган.

Ушлаб турилган шахс куйидаги ҳуқуқларга эга:

- ЖПКнинг 224-моддасига биноан ушлаб турилган шахс адвокатга ёки яқин қариндошига **телефон қилиш ёки хабар бериш** ҳуқуқига эга.

- Ушлаб турилган шахс у нимада гумонланаётганини билишга ҳақли. Унга у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги билдирилиши шарт.

- Ушлаб турилган шахсга **ҳимоячига эга бўлиш** ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш ҳуқуқи кафолатланган, бундан ташқари, у, шунингдек, ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириши мумкин. Шунингдек, **кўрсатув беришдан бош тортиш** ҳам мумкин.

ЖПКнинг **49-моддасига** биноан, ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади. Ҳимояланиш ҳуқуқи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг асосий ва узвий ҳуқуқларидан бири бўлиб ҳисобланади. “Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” Жиноят процессуал кодексимизда алоҳида принцип сифатида киритиб қўйилган. Ҳимояланиш деганда, жиноят процессида шахсга нисбатан қўйилаётган унинг жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон ёки айбловдан, унинг оқибатида чекланиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият, ҳаракатлар ва жараён тушунилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, шахс қонунда белгиланмаган тартибда ушлаб турилган бўлса ёхуд ушлаш жараёнида унинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, шахс озод қилиниши ҳамда унга етказилган зарар тўлиқ қопланиши лозим. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакамиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Охирги пайтларда айрим ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғриқли масалалар кўтарилмоқда. Бизнинг юртимизда бундай ҳолатлар умуман бўлиши мумкин эмас. Ким бунга амал қилмаса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлади”¹. Шундай экан ҳар қандай Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари борки, шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфааларини ҳимоя қилишлари, ҳақиқатни аниқлаш учун хизмат қилишлари лозим. Зеро “Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак”²

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. <https://lex.uz/docs/111460>

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (Мурожаатнома-2022 йил)

4. Махмудов М.М. Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг тартиби / International Conference on Advance Research in Humanities, Applied Sciences and Education Hosted from New York, USA. <https://conferencea.org> May 28th 2022. Б.-218.

5. Раҳманкулов А.Х. Миразов Д.М. Даствлабки тергов: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқидан (Мурожаатнома-2022 йил)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқидан (Мурожаатнома-2022 йил)



Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 455-б.

6. Ботаев М.Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш / юридик фанлар бўйича фалсафа доктори автореферати. Т.:2020. Б.-9.

7. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А.Миренский, А. Х. Рахманкулов, Д. М. Миразов ва бошқ. – Т., 2012. – 607 б.



“ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ” ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Эшмирзаев Зоҳиджон Муҳаммадиевич
Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий
суди судьяси

АННОТАЦИЯ: Судлар фаолиятига замонавий-рақамли технологияларни жорий этиш айтиш вақтда суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда ҳам энг долзарб масала сифатида қаралмоқда ва ушбу соҳа ривожланишда давом этмоқда.

Судлар фаолиятига замонавий-рақамли технологияларни жорий этишни ўрганар эканмиз, биз “Электрон судлов” атамасига дуч келамиз. Мазкур мақола “Электрон судлов” атамасининг мазмуни ва аҳамиятини очиқ беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: электрон ҳужжат, видеоконференцалоқа, электрон суд, суд процессии, интернет ахборот-телекоммуникация тармоғи

Ахборот технологиялари асрида кўплаб операцияларни уйдан ёки офисдан чиқмасдан бажариш осон ва одатий ҳолга айланди. Электрон ҳуқуқат хизматлари, электрон нақд пул айланмаси ривожланмоқда ҳамда шу билан бирга электрон судлов ҳам ривожланмоқда.

Суд тизимига рақамли технологияларни жорий тушунчасига аниқлик киритишдан олдин биз албатта “электрон судлов” тушунчасига аниқлик киритиб, моҳиятини англаб олишимиз лозим бўлади. Чунки, ҳориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу соҳада “электрон судлов” термини кенг қўлланилган.

Оммабоплиги ошиб бораётганига қарамай, доктринада ушбу концепцияни тушунишга ягона ёндашув бўлмаганидек, қонунчиликда электрон судловнинг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас.

Шундай қилиб, В.И. Решетняк ва Е.С. Смагина ушбу масала бўйича қатъий позицияга содиқ қолади: “Агар ишни кўриб чиқиш машина томонидан эмас, балки шахс томонидан амалга оширилса, “электрон судлов” атамаси фақат шартли равишда ишлатилиши мумкин.¹

Шунга ўхшаш позиция В.А. Пономаренкога ҳам тегишли: “Электрон судловни фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг суд-юрисдикция процедураси деб тушуниш керак, фуқаролик процессида бу процессуал маълумотни (консолидация қилиш) ва иштирокчиларнинг ўзаро таъсирининг электрон шакл воситачилигида (шу жумладан барча зарур процессуал ҳаракатларни амалга оширишда) ифодалаш демакдир”.²

Ўз навбатида, Н.Н. Федосеева ва М.А. Чайковская, “электрон судлов” ва “судларни ахборотлаштириш” тушунчаларини ажратиб кўрсатди³, шунингдек, С.В. Романенкова, электрон судни тор ва кенг маънода кўриб чиққан ҳолда⁴, уларнинг сўзларига кўра, электрон судни тўғри ёки тор маънода қонунчиликда белгиланган процессуал ҳаракатларни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имконияти сифатида тушунилиши керак. (масалан, даъволар бериш, видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланиш, иштирокчиларни хабардор қилиш).

Шу билан бирга, ушбу муаллифлар электрон суд амалиёти концепциясида судда электрон ҳужжатларнинг тўғри айланишини, шунингдек судлар тўғрисидаги маълумотларни интернетда жойлаштириш бўйича судларнинг фаолиятини, ушбу фаолиятни “ахборотлаштириш” ёки кенг маънода “электрон судлов” деб аташади.

Электрон одил судлов таърифига энг кенг ёндашувни қуйидаги позицияларда кўриш мумкин.

В.В. Ярков электрон одил судловни “низоларни ҳал қилишнинг электрон тизими, бу жа-

¹ Информационные технологии в гражданском судопроизводстве (российский и зарубежный опыт): Учеб. пособие. М.: Издательский дом "Городец", 2017. С. 19.

² Электронное гражданское судопроизводство в России: штрихи концепции: Монография. М.: Проспект, 2015. С. 50.

³ Федосеева Н.Н., Чайковская М.А. Электронное правосудие в России и в мире // Администратор суда. 2011. N 3. С. 3.

⁴ Романенкова С.В. Понятие электронного правосудия, его генезис и внедрение в правоприменительную практику зарубежных стран // Арбитражный и гражданский процесс. 2013. N 4. С. 29.



раённи бошқариш ва суд ишларини юритиш, суд ҳужжатларининг муомаласи, суд маълумотларига кириш, суд хабарномалари, суд қидируви ва ички суд процедуралари каби элементларни ўз ичига олиши мумкин” деб қарайди ¹ И.И. Черных ҳам шунга ўхшаш таъриф бериб ўтган.²

Электрон судловни таърифлашга халқаро микёсда ҳам кенг ёндашув қўлланилган.

Европа Кенгашининг позициясига биноан электрон одил судлов судларнинг ахборот веб-сайтларини, миллий ва халқаро порталларни, ишнинг ҳолатини онлайн хабардор қилиш тизимларини, видеоконференцалоқа тизимларини, шунингдек, электрон маълумот алмашиш усуллари ва стандартларини ўз ичига олиши керак.³

Бизнинг фикримизча, электрон одил судлов “электрон процессуал ҳаракатлар”, “электрон ҳужжатлар” ва “электрон қўллаб-қувватлаш” училигидан иборат. Электрон процессуал ҳаракатлар, биринчи навбатда, электрон шикоят (даъво, ариза, шикоят, илтимоснома ва бошқалар), шунингдек судга қўшимча ҳужжатларни киритишни ўз ичига олади;

- тегишли процессуал ҳужжатларни чекланган кириш режимида судларнинг веб-сайтларига жойлаштириш орқали суд хабарномаси ва якуний суд актларини йўналтириш;

- видеоконференцалоқа орқали томонларнинг тушунтиришларини эшитиш.

Муайян ишни кўриб чиқишда судларнинг бошқа ваколатли органлар билан электрон ўзаро таъсирини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Хусусан, иш юритишда кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар бўлган идоралараро электрон ўзаро таъсирнинг ягона тизимларидан фойдаланган ҳолда судларга уларнинг илтимосига биноан ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари ва (ёки) бошқа ҳужжатлар нусхалари, шу жумладан интернет ахборот-телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этилади.⁴

Шунингдек, процессуал кодексларда судни ижро ҳужжатлари ва суд буйруқларини ижро этиш учун судьянинг кучайтирилган малакали имзоси билан имзоланган электрон ҳужжат шаклида юбориш имконияти <9> назарда тутилган. Электрон ҳужжатларга келсак, куйидагиларга аниқлик киритиш керак. Электрон ҳужжат муаллифларни фикрига кўра, электрон судловнинг бир қисми сифатида “электрон ҳужжат” нинг ўзи ва “электрон хабар” каби шаклларни қамраб олади.⁵

Шуни таъкидлаш керакки, бу жараёнда электрон ҳужжатлар ҳам, электрон хабарлар ҳам далил сифатида қаралади. Шу билан бирга, 2017 йил 1 январдан бошлаб иккала тур ҳам ёзма далилларга тенглаштирилди: умумий қоида тариқасида - Россия Федерациясининг Фуқаролик процессуал кодекси, қонунда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шартномаларда назарда тутилган шартларни ҳисобга олган ҳолда, - қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодекси - Россия Федерациясининг Маъмурий процессуал кодекси).⁶

Шунингдек, ҳужжат айланишининг электрон шакли ташқи ва ички бўлиши мумкин бўлган маълум бир электрон қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Ташқи - бу электрон маълумот алмашинувида йўналтирилган бундай электрон ёрдамни англатади.

Интернетнинг глобал макони арбитраж судлар сайтлари “Электрон судлов” деб номланган тизим билан бирлаштирилган. Ушбу тизим орқали судлар ва жараён иштирокчилари ўртасида ўзаро муносабатлар амалга оширилади, хусусан, ишлар ва актларга кириш таъминланади.

¹ Электронное правосудие // ЭЖ-Юрист. 2006. N 41.

² Черных И.И. Размышления об "электронном правосудии" // Судебная реформа и проблемы развития гражданского и арбитражного процессуального законодательства: Материалы международной научно-практической конференции. М.: РАП, 2011. С. 112.

³ Рекомендации Комитета министров Совета Европы CM/Rec (2009)1 государствам - участникам Совета Европы по электронной демократии, приняты Комитетом министров 18 февраля 2009 г. на 1049-м заседании заместителей министров. URL: <http://dsnmp.ru/rekomendatsii-komiteta-ministrov-sov/>.

⁴ М.Н. Зарубина, М.М. Новикова К вопросу о сущности электронного правосудия в российской федерации Документ предоставлен КонсультантПлюс 12.05.2021

⁵ О внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации: Федеральный закон от 8 марта 2015 г. N 41-ФЗ // СЗ РФ. 2015. N 10. Ст. 1411.

⁶ М.Н. Зарубина, М.М. Новикова К вопросу о сущности электронного правосудия в российской федерации Документ предоставлен КонсультантПлюс 12.05.2021



Арбитраж судларида арбитраж судлари маълумотлар базасини яратиш ва юритиш ҳамда суд ҳужжатлари айланиш жараёнини автоматлаштириш учун мўлжалланган “Иш юритиш” автоматлаштирилган тизими муваффақиятли ишламоқда.

Ушбу тизим куйидаги ҳаракатларни таъминлайди: судга тақдим этилган ҳужжатларни расмийлаштириш; суд ишларини тақсимлаш, суд мажлислари тақвимини шакллантириш; суд ҳужжатларини суднинг электрон маълумотлар базасида яратиш ва жойлаштириш; ҳужжатлар ёзувларини ва уларни кўриб чиқиш муддатларини юритиш; почта ёзишмаларини юбориш¹. Бундай тизим ички электрон кўллаб-қувватлашнинг энг яхши намунасидир.

Электрон судлов - бу процессуал ҳаракатлар, ҳужжатлар, шунингдек электрон кўллаб-қувватлаш воситаларининг электрон шакли ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқоридаги ёндашувларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, электрон судлов электрон шаклда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳукуки ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда низоларни ҳал қилиш тизими тушунилади.

Бизнинг фикримизча, электрон одил судлов - судлар ва суд процесси иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг электрон шакли сифатида тушуниш замонавий воқеликлар учун энг долзарб бўлиб қолади.

Суд тизимига рақамли технологияларни жорий этиш хусусида фикр юритар эканмиз, “рақамлаштириш” атамаси тор ва кенг маънода ишлатилади. Тор маънода биз ахборотни рақамли шаклга айлантириш ҳақида гапирамиз. Бу ерда мақсад-фойдаланилаётган ахборот миқдорини сезиларли даражада ошириш, харажатларни камайтириш, ўзаро ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратиш ва бошқалар. Рақамлаштириш кенг маънода интернет технологияларидан фойдаланиш орқали одамларнинг ўзаро муносабатларини виртуал даражага ўтишига асосланган иқтисодиёт ва жамият ривожига замонавий глобал тенденция сифатида тушунилади. Мақсадлар тахминан ўхшаш ва иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш билан боғлиқ².

Хуллас, “Электрон судлов” - бу ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда одил судловни амалга ошириш усули ҳамда “Электрон судлов” судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга ва суд ишларини автоматлаштириш тизимларига киришни таъминлайдиган бир қатор тизимлардан иборат. Ушбу тизимни яратишдан мақсад судларнинг очиклиги ва мавжудлигини таъминлаш, суд ишларининг сифатини ошириш, харажатларни камайтириш - пул ва вақтни тежаш ҳамда суд процесси иштирокчилари учун максимал даражада қулайлик яратишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Информационные технологии в гражданском судопроизводстве (российский и зарубежный опыт): Учеб. пособие. М.: Издательский дом "Городец", 2017. С. 19.
2. Электронное гражданское судопроизводство в России: штрихи концепции: Монография. М.: Проспект, 2015. С. 50.
3. Федосеева Н.Н., Чайковская М.А. Электронное правосудие в России и в мире // Администратор суда. 2011. N 3. С. 3.
4. Романенкова С.В. Понятие электронного правосудия, его генезис и внедрение в правоприменительную практику зарубежных стран // Арбитражный и гражданский процесс. 2013. N 4. С. 29.
5. Электронное правосудие // ЭЖ-Юрист. 2006. N 41.
6. Черных И.И. Размышления об "электронном правосудии" // Судебная реформа и проблемы развития гражданского и арбитражного процессуального законодательства: Материалы международной научно-практической конференции. М.: РАП, 2011. С. 112.
7. Рекомендации Комитета министров Совета Европы CM/Res (2009)1 государствам - участникам Совета Европы по электронной демократии, приняты Комитетом министров 18 февраля 2009 г. на 1049-м собрании заместителей министров. URL: <http://dsnmp.ru/>

¹ М.Н. Зарубина, М.М. Новикова К вопросу о сущности электронного правосудия в российской федерации Документ предоставлен КонсультантПлюс 12.05.2021

² LAW ENFORCEMENT <https://doi.org/10.17816/RJLS25907> Ожидания российского общества от правосудия: поможет ли цифровизация?



rekomendatsii-komiteta-ministrov-sov/.

8. М.Н. Зарубина, М.М. Новикова К вопросу о сущности электронного правосудия в российской федерации Документ предоставлен КонсультантПлюс 12.05.2021

9. О внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации: Федеральный закон от 8 марта 2015 г. N 41-ФЗ // СЗ РФ. 2015. N 10. Ст. 1411.

10. LAW ENFORCEMENT <https://doi.org/10.17816/RJLS25907> Ожидания российского общества от правосудия: поможет ли цифровизация?



**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР
ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАНИШИНИ ГЕНДЕР АУДИТ
ДОИРАСИДА БАҲОЛАШ ЗАРУРИЯТИ**

Анварова Дилдора,
Тошкент давлат юридик
университети
ўқитувчиси
Телефон: +99891 791 27 00
e-mail: hsti.anvarova@gmail.com

***Аннотация:** Мақолада давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларини гендер тенглик асосида таъминланишини жамоатчилик назорати доирасида баҳолаш орқали гендер аудит ўтказиш зарурати илмий асосланган ҳамда хорижий мамлакатларнинг бу борадаги конституционализм тажрибаси таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:** хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқлари, гендер тенглик, HR-аудит, ижтимоий аудит, гендер аудит, баҳолаш, жамоатчилик назорати, ҳуқуқий кафолат, тенглик.*

Гендер тамойиллари ривожланган XX асрда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллашуви, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги бир қатор мамлакатлар конституцияларида, миллий қонунчилигида акс эта бошлади. Шунингдек гендер аудит ўша даврларда юзага келган ижтимоий аудитнинг муҳим тармоғи сифатида ривожланди.

Ижтимоий аудитга эҳтиёж сифатида ижтимоий муносабатларнинг глобаллашув жараёнини алоҳида таъкидлаш керак. Хусусан XX асрда меҳнат миграциясининг кучайиши, бошқа томондан, трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолияти - замонавий глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири - антиглобалистларнинг оммавий ташкилотлари сафларида норозилик келтириб чиқарди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзларининг юзлаб филиаллари ва шўба корхоналари жойлашган ТМКлар корхоналар фаолиятида ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга риоя қилмайди ва натижада инсон ҳуқуқлари бузилади. Хусусан аксарият ТМК ларнинг филиаллари фаолиятида нисбатан арзон бўлган болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланилади, хотин-қизлар меҳнати камситилади, паст иш ҳақи белгиланади, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик стандартларига риоя қилинмайди. Бундай муаммолар корхона фаолиятида ижтимоий аудит ўтказиш заруриятини юзага келтирди.

«Ижтимоий аудит» тушунчаси биринчи марта 1940-йилларда Стенфорд бизнес мактабининг иқтисод профессори Теодор Ж. Крепс томонидан ишлатилган.

Ижтимоий аудит концепсиясини шакллантиришда «Social Responsibility Audit: A Management Tool for Survival» асари муалифи John William Humble тадқиқотининг аҳамияти каттадир. Хусусан Humble тадқиқотида аудиторга ташкилот учун инсон омилининг аҳамиятини баҳолашга имкон берадиган аргументлар таклиф қилинган¹.

Кейинчалик «ижтимоий аудит» тушунчасининг моҳияти гендер аудит, HR-аудит каби баҳолаш турлари билан мукамаллашди. Мазкур тушунчалар назариялардан норматив қонунларга кўчди. Яъни ташкилотларда ижтимоий аудит ўтказиб ҳисоботлар тақдим қилиш мажбурияти қонунлар билан тартибга солина бошланди. Хусусан Францияда 1977 йилда ижтимоий аудит тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонунда ижтимоий аудит субъектлари, объектлари, ўтказиш тартиби, аудит ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тақдим этиш тартиби белгиланди.

Германияда бу даврда ижтимоий аудитнинг аналоги Sozialbericht шаклланди. АҚШда Иқтисодий устуворликлар бўйича кенгаш (the Council on economic priorities, CEP) компанияларнинг меҳнат жамоасини ижтимоий ҳолати ва атроф-муҳитга муносабатига оид кўрсаткичларига оид ҳисоботлари бўйича ижтимоий рейтингини шакллантиришни бошлади. Натижада, 1972-1977 йилларда кўплаб Америка корпорациялари ташкилотнинг ижтимоий ҳисоботларини чиқардилар. Мазкур ижтимоий ҳисоботларда ишчи хотин-қизларни қайта касбий тайёрлаш ва малакаларини оширилиши, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яра-

¹ https://books.google.co.uz/books/about/Social_Responsibility_Audit.html?id=XZcTAQAAMAAJ&redir_esc=y



тилганлиги, бир хил меҳнатга тенг ҳақ тўлаш, корхона ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, ижтимоий кафолатларнинг баҳолаши натижалари келтирилган.

Ижтимоий аудитнинг ҳуқуқий асосларини шаклланиши кейинги даврларда анча ривожланди. Хусусан Буюк Британияда («The King Report on Corporate Governance»), Данияда 1995 йилда («Green Act»), 2001 йилда Европа комиссияси томонидан қабул қилинган «Корпоратив ижтимоий жавобгарлик тўғрисида Яшил китоб» да ижтимоий аудитнинг қонуний асослари яратилди. Бугунги кунда ҳам хорижий давлатларда гендер аудит, HR-аудит ижтимоий аудитнинг бир кўриниши сифатида қўлланилмоқда.

Л.П.Домрачеванинг фикрича, HR-аудит – бу персонални бошқариш самарадорлигини комплекс баҳолаш бўлиб, бунда бошқарувнинг ташкилот стратегияси билан мувофиқлиги ўрганилади. Гендер аудит HR-аудит таркибида ўтказилиши керак бўлган баҳолаш бўлиб, бунда жинслар тенглигининг компания бошқарувида таъсири аниқланади ¹.

Бу борада Л.П.Домрачеванинг фикри биров мавҳум бўлиб, фикримизча HR-аудит ўтказишдан мақсад нафақат самарадорлик балки ташкилот бошқарувида юзага келган камчиликлар, меҳнат низолари, коррупция хавфи, манфаатлар тўқнашуви каби муаммоларни аниқлашдир.

Шунингдек бизнингча «гендер аудит» муайян ташкилот бошқарувида, жамоанинг меҳнат фаолиятида тенг ҳуқуқлилик тамойилини амал қилиши, хотин-қиз ходимларни яширин камситилиш даражаси, аёл ходимларнинг қўнимсизлиги, бир хил меҳнат учун ҳақ тўлаш миқдори, корхона одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, ижтимоий кафолатларнинг таъминланишини баҳолашдир.

Гендер аудит муайян методология асосида ўтказилади. Мазкур методология фокус гуруҳларда сўровнома ўтказиш, тест, рағбатлантиришлар ҳисоботи анализи, кадрлар қўнимсизлиги таҳлили каби методлардан иборат. Шу ўринда гендер аудит касба уюшмаси қўмитаси томонидан фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ваҳоланки давлат ва хусусий сектордаги корхоналар меҳнат жамоасининг асосий қисми касба уюшмаси қўмитаси аъзолари ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки мамлакатимизда давлат ва хусусий сектордаги ташкилот ва корхоналарда касба уюшма қўмитаси томонидан гендер аудит ўтказишни жорий этилиши хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларини камситилишини бартараф этиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминланишига эришилади. Хусусан хотин-қизлар ижтимоий ҳуқуқлари таъминланишидаги муаммоларни аниқлаш учун маҳаллаларда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, давлат ва хусусий сектордаги корхона ва ташкилотларга иш қабул қилиш жараёнида, меҳнат фаолиятида дискриминация ҳолатларининг мавжудлиги, уларнинг турмушга чиқиш режалари сўралиши, оилавий шароити, фарзанд кўриш бўйича режалари, ҳомиладорлиги юзасидан саволлар берилиши, шунингдек бир лавозимга эркак номзод билан муқобил бўлганда эркак номзодга устуворлик берилиши, рағбатлантиришларга лойиқ кўрилмаганликлари каби муаммоларнинг мавжудлиги соҳада гендер аудит ўтказишни жорий этиш ва бу механизмнинг амалиётда самарали ишлашини жамоатчилик томонидан назорат қилиб туриши мақсадга мувофиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Домрачева Л.П. Особенности проведения кадрового аудита в государственном учреждении. // Accounting in Budgetary and Non-Profit Organizations // “Финансы и кредит”, -2016. –С.-11-21.

2. John William Humble. Social Responsibility Audit: A Management Tool for Survival. // University of Michigan // Amacom, 1973. P.-60.

¹ Домрачева Л.П. Особенности проведения кадрового аудита в государственном учреждении. // Accounting in Budgetary and Non-Profit Organizations // “Финансы и кредит”, -2016. –С.-11-21.



СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Хазраткулов Лазизбек Бахриддинович,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси
Телефон: +998916807311
hazratqulovlaziz88@gmail.com

Аннотация: ушбу мақолада соғлиққа қарши жиноятлар тушунчаси, уларнинг таснифи ва юридик таҳлили, шунингдек бу борадаги олимларнинг турли илмий қарашлари ўрганилган.

Калит сўзлар: инсон соғлиғи, соғлиққа қарши жиноятлар, жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони: қасд ва эҳтиётсизлик, инсон органлари, организм тўқималари, инсон физиологияси, баданга шикаст етказиш, соғлиққа зиён етказиш.

Соғлиқ инсонга генетик томондан берилувчи ва инсон учун муҳим бўлган табиий бойлик ҳисобланиб, ҳар қандай давлат томонидан жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади. Соғлиқни ҳимоя қилиш ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун нормалари билан мустаҳкамланган ва қафолатланган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Инсон, унинг ҳаёти, шу билан бирга соғлиғи табиий ҳуқуқлар саналади. Шу боис мазкур ҳуқуқлар халқаро ҳужжатлар билан, жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгаликлари ва давлат ёши, жинси, ирки, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини қафолатлайди.

Инсон соғлиғига шикаст етказилиши уни йўқотилган соғлиғини тиклаш билан шуғулланишга, даволанишга, янги ноқулай шароитларга мослашишга мажбур қилади. Шу боисдан ҳам инсонни олий қадрият сифатида, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини эътироф этган ҳолда, давлат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан ҳам инсон соғлиғи сақланишига қаратилган қоидаларга фуқаролар томонидан риоя этилишини таъминлаши лозим.

Хусусан, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг “Шахсга қарши жиноятлар” деб номланган 1-бўлими II боби “Соғлиққа қарши жиноятлар” деб номланган бўлиб, ушбу бобда баданга етказилган шикастнинг даражасига қараб қуйидаги жиноятлар оғиридан енгилгига қараб таснифланган: қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда); қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда); кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда); зарурий муодофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (107-модда); ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш (108-модда); қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-модда); қийнаш (110-модда); эҳтиётсизлик орқасидан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (111-модда).

Соғлиққа қарши жиноятларни юридик таҳлил қиладиган бўлсак, А.А.Отажонов “соғлиққа қарши жиноятлар” деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик бутунлиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши, ёхуд инсонга жисмоний жиҳатдан оғриқ берувчи, шунингдек, унинг руҳияти бузилишига олиб келишда ифодаланган қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги ҳуқуққа хилоф қилмишлар тушунилишини таъкидлаб, Жиноят кодексида назарда тутилган соғлиққа қарши жиноятларни биринчи ба-



данга турли даражада шикаст етказиш мумкин бўлган (104–109-моддалар ва 111-модда) ва иккинчи қийнаш билан боғлиқ соғлиққа зарар етказиш (110-модда) мумкин бўлган жиноятларга ажратишни таклиф қилган.

Таҳлил қилинаётган жиноятларнинг бевосита объектини бошқа шахснинг соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Мазкур жиноятлар содир этилиши натижасида қандай бўлмасин аниқ бир шахс организмнинг муайян физиологик ҳолати ёки руҳияти бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун инсон соғлиғи бузилишига олиб келган ҳар қандай соғлиққа зарар етказишни соғлиққа қарши жиноятлар деб қараш лозим. Бунда жабрланувчининг ёши ёки ҳолати ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, балки унинг у ёки бу биологик сифатлари ва муайян вақтда жабрланувчининг фактик соғлиқ ҳолати инобатга олинади.

Соғлиққа қарши жиноятларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш учун биринчи навбатда “инсон соғлиғи” тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган таърифга кўра, “соғлиқ – бу инсонда фақатгина касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги эмас, балки инсоннинг тўлиқ жисмоний, маънавий ва ижтимоий фаровон ҳолати ҳисобланади.

А.Е.Шалагин эса мазкур таърифни кенгайтирган ҳолда “Индивиднинг соғлиғи унинг максимал ҳаёти давомийлигида биологик, жисмоний ва руҳий функцияларининг, оптимал даражадаги меҳнат қобилияти ва ижтимоий фаоллиги сақланиши ва ривожланиши билан белгиланади” деган фикрни илгари сурган.

Соғлиққа қарши жиноятлар объектив томондан ҳаракат ёки ҳаракатсизликда содир этилиши мумкин. Соғлиққа қарши жиноят таркиблари моддий таркибли тузилиш хусусиятига эгадир. Бу эса соғлиққа қарши жиноятлар объектив томонининг зарурий белгиси сифатида таҳлил этилаётган жиноятлар учун қонунда кўрсатилган соғлиққа зарар етказиш туридаги жинорий оқибатлар ва қилмиш ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш шартлигини англайди.

Инсон соғлиғи билан боғлиқ айрим тушунчалар борки, улар соғлиққа қарши жиноятларни тўғри малакалашда аҳамиятга эга бўлади, хусусан:

инсон органлари бу – умумий вазифани бажариш учун структуравий бирликка бирлаштирилган тўқималарнинг йиғиндиси;

организм тўқималари бу – умумий тузилишга, ривожланишга эга ва маълум функцияларни бажарадиган ҳужайралар ва ҳужайралараро моддалар гуруҳи;

инсон физиологияси бу – организм функцияларини, тизимларини, аъзоларини, тўқималарини, ҳужайраларини ва уларнинг бошқариш механизмларини тизими;

соғлиққа зиён етказиш бу – ташқи омилларнинг таъсири натижасида инсоннинг аъзо ва тўқималарининг анатомик бутунлиги ва (ёки) физиологик фаолиятини бузилишидир.

Соғлиққа қарши жиноятлар учун жавобгарлик айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан (104–110-моддалар) оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлишини тақозо этади. Агар мазкур оқибатлар, гарчи улар айбдорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан боғлиқ бўлса-да, бироқ организмнинг индивидуал хусусиятлари ёки кўрсатилган тиббий ёрдам тегишлича бўлмаганлиги, жабрланувчининг унга етказилган зиён оғирлашишига сабаб бўлган ўз ҳаракатлари, айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган бошқа ҳолатлар туфайли келиб чиққан бўлса, қилмишни Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари бўйича жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

Қонунда кўрсатилган муайян оқибатларнинг юз берганлиги (меҳнат қобилиятининг йўқотилиши, бирор-бир органни ёки шу орган фаолиятининг йўқотилиши, ҳомиланинг тушиши ва ҳ.к.) баданга оғир, ўртача оғир, енгил шикаст етказишни тамом бўлган жиноят деб топишнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Шу билан бирга, спорт беллашувлари вақтида ушбу спорт тури учун ўрнатилган қоидаларни ва хавфсизлик чораларини бузмаган ҳолда бошқа шахснинг соғлиғига зарар етказилган ҳолат ҳам жинорий жавобгарликни инкор этади. Юридик адабиётларда спорт мусобақалари вақтида соғлиққа зарар етказиш мумкин бўлган тўртта вазият фарқланади. Улар қуйидагилар:

биринчи вазият – спорт беллашуви вақтида ўйин қоидалари бузилмагани ҳолда соғлиққа шикаст етказилиши. Гарчи бундай ҳаракатлар натижасида зарарли оқибатлар юз берса ҳам, шахс спорт қоидаларини бузиш ва шикаст етказишга қасд қилмайди. Шу боис унинг



ҳаракатлари ижтимоий ҳавфли ва ғайриқонуний деб топилиши мумкин эмас;

иккинчи вазият – спортчининг эҳтиётсизликдан ўйин қоидаларини бузганлиги натижа-сида соғлиққа шикаст етказилиши. Бундай ҳолларда ҳам спортчининг ҳаракатларида жи-ноят таркиби бўлмади ва унга нисбатан мусобақа қоидаларида назарда тутилган жазолар-гина қўлланилиши мумкин;

учинчи вазият – ўйин қоидаларини қасддан бузиш натижасида соғлиққа шикаст еткази-лишини қамраб олади. Бундай ҳолларда масала рўй берган оқибатларга қараб ҳал этилади. Агар баданга енгил шикаст етказиш тарзидаги оқибат юз берган бўлса, айбдор жиноий жа-вобгарликка тортилмаслиги лозим. Жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 111-моддаси (эҳтиётсизликдан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказганлик учун) билан квалификация қилинади;

тўртинчи вазият – рақибнинг соғлиғига спорт беллашувига боғлиқ бўлмаган ҳолда ши-каст етказилишидир. Бундай ҳолларда баданга қасддан у ёки бу даражада шикаст етказган-лик учун айбдор жиноий жавобгарликка тортилади.

Баданга шикаст етказиш ўз мазмунидан келиб чиқиб, инсон баданида мавжуд, ўзига хос моддий ҳусусиятлари ва кўринишига эга бўлган, суд тиббий экспертизаси ёрдамида оғирлиги ҳамда даражасини аниқлаш имконини берадиган зарарнинг етказилганлигини ўз ичига қамраб олади. Бироқ, ушбу тушунча фақатгина моддийликка асосланган бўлиб, у ўзида шахсга шикаст етказилиши натижасида унинг руҳиятига етказилган зарарни ва кечин-маларини қамраб олмайди. Аслида етказилган ҳар қандай тан жароҳати шахсга жисмоний оғриқ бериши билан бирга руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади ҳамда зиён етказди.

М.В. Авакяннинг фикрига кўра бир вақтнинг ўзида, калтаклашни мақсади руҳий зўравонлик ҳам бўлиши мумкин инсон иккита ўзаро боғланган, лекин сифат жиҳатидан турли хил тузилмаларнинг бирлиги ҳисобланади.

Е.В. Безручко умумлаштирган ҳолатда қуйидагича хулоса қилади, инсонга қилинадиган ҳар қандай зўравонлик ҳам жисмоний ҳам руҳий таъсир доирасига эга. Инсонда иккита таъсир доираси мавжуд-биологик ва психологик.

Кўплаб олимлар ўз изланишларида жисмоний ва руҳий зўравонликлар алоҳида мустақил жиноят деб ҳисоблаб, ҳар иккиси ҳам жавобгарликни тақозо этишини, эътироф қилишган.

Шу вақтнинг ўзида Е.Г. Сахарованинг ёзишича, калтаклар ёки тана дахлсизлигига таъ-сир қилувчи хатти-ҳаракатлар унинг нафақат жисмоний, балки руҳий соғлиғига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, юздаги жароҳат излари кўп ҳолатларда инсонни соғлиғидан кўра, на-фсониятига ва қадрига путур етказди. Шуни таъкидлаш ҳам лозимки, гап нафақат жис-моний оғриққа эмас, балки юзага келган хўрланганлик, ўзига ишончсизлик, қул сифатида боғлиқлик юзага келишида нафақат жисм дахлсизлиги бузилади, балки инсонни эркинли-ги ва кадр-қимматининг дахлсизлиги топталади. Жароҳат етказаётган одам ҳаракатлари оқибатида турли хил оғирлик даражасидаги тан жароҳатларнинг олинишини тушуниши даркор ҳамда нафақат жисмига балки руҳан қадрини поймол қилинишида айбдордир. Кал-такланиш агар икки томонлама бўлмаса, бир инсонни иккинчисидан устунлиги борлигини, зўравон томонда куч, калтакланган томонда эса заифлик, ёки бир томонда ҳукмронлик ик-кинчи томонда эса итоаткорлик. Шу алфозда, зўравон биринчи ўринда инсонни соғлиғига, иккинчи томондан жабрланувчининг ор-номуси, кадр-қимматига тажовуз қилади.

Бундай ҳолатларда жабрланувчига ҳам жисмоний ҳам психологик (руҳий) азоб етказила-ди. Агарда жисмоний изтироб фақат жисмоний зўравонлик орқали етказилса, психологик (руҳий) изтироб ҳар иккала зўравонлик тури билан етказилади. Ушбу ҳолатда психик из-тироб жисмоний оғриқлар туфайли кучаяди, жарбланувчининг психикасига икки баробар кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун, бизнингча, қасддан баданга шикаст етказиш жино-ятларида ҳам инсон соғлиғига, ҳам руҳиятига зиён етказди.

Бироқ “баданга шикаст етказиш” тушунчаси ўзининг мазмуни билан инсон физиологи-ясига етказилган зиённи, яъни кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд руҳий ҳолатининг бузилишини ўз ичига қамраб ололмайди. Шунинг учун кўплаб давлатларнинг жиноят қонунчилигида “баданга шикаст етказиш” тушунчасининг ўрнига “соғлиққа зиён етказиш” тушунчаси қўлланилиб келмоқда.

Ҳусусан, биз каби Романо-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 111-моддаси “Қасддан соғлиққа оғир зиён(зарар) етказиш”, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 106-моддаси “Қасддан соғлиққа оғир зиён етказиш”, 107-моддаси



“Қасддан соғлиққа ўртача оғир зиён етказиш”, Арманистон Республикаси ЖКнинг 112-моддаси “Қасддан соғлиққа оғир шикаст етказиш”, 113-модда “Қасддан соғлиққа ўртача оғир зиён етказиш”, Озарбайжон Республикаси ЖКнинг 126-моддаси “Қасддан соғлиққа оғир зиён етказиш”, 127-моддаси “Қасддан баданга ўртача оғир зиён етказиш” деб номлангани ҳам бизни юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Соғлиққа қарши жиноятларнинг субъектив томони аксарият жиноят таркиблари айбнинг қасд шаклида ифодаланади, бироқ эҳтиётсизлик оқибаотида ҳам содир этилиши мумкин. Бунда қасд тўғри ёки эгри бўлиши мумкин.

Жиноят кодекси 104-моддаси 3-қисми “д” бандида назарда тутилган жиноят айбнинг икки шаклида (мураккаб айб) содир этилади, яъни қилмишга нисбатан қасд, қонунда кўрсатилган оқибатга нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади.

Жиноят кодекси 104–110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа шахсга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқади.

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англа-са, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади.

Баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозим.

Соғлиққа қарши жиноятларнинг субъекти қонунда белгиланган ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Жумладан, қасддан баданга оғир (104-модда) ёки ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда), шунингдек, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-модда) жиноятининг *субъекти* 4 ёш ва соғлиққа қарши бошқа жиноятларнинг *субъектлари* 16 ёшдан бошланади.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, инсон соғлиғи ажралмас табиий ҳуқуқи бўлиб, унинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлигини ифодалайди. Шундай экан, фуқароларнинг соғлиғини асраб-авайлаш, ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат қилиш, шунингдек, жинсий таъжовулардан муҳофаза қилиш нафақат суд-тергов органларининг, балки мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг муқаддас бир бурчи бўлгандагина ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этишга эришиш мумкин. Зеро, янги таҳрирда қабул қилинган Бош Қомусимизнинг 60-моддасида таъкидланганидек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 йил 27 июнь 6-сонли қарори.
3. Отажонов А.А. “Шахсга қарши жиноятлар” ўқув қўлланма. Т., 2012.
4. Шалагин А.Е. Преступления против здоровья населения. Понятие, виды, общественная опасность //Вестник КЮИ МВД России. №3 (5), 2011.
5. Безручко Е. В. Преступления, посягающие на безопасность здоровья человека: теоретико-правовое исследование: Дисс. ...док. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2018.
6. Сахарова Е. Г. Расследование причинения вреда здоровью: дис. ... канд. юрид. наук <http://www.dslib.net/kriminal-process/rassledovanie-prichinenija-vreda-zdorovju.htm> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.03.2022 й).
7. Авакьян М. В. Методика расследования и поддержания государственного обвинения по делам об умышленном причинении тяжкого вреда здоровью: Дисс. ...док. юрид. наук. – Калининград, 2017.



ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Эшмирзаев Зоҳиджон Муҳаммадиевич
Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий
суди судьяси

АННОТАЦИЯ: Мамлакатимизда судлар фаолиятига замонавий -рақамли технологияларни жорий этиш масаласи кенг йўналишда такомиллаштирилмоқда ва бу жараён бошқа давлатларда ҳам изчиллик билан давом этмоқда.

Ҳар бир соҳани тўлиқ ривожланиши ва барқарор бўлиши учун албатта унинг ҳуқуқий асоси пухта яратилган бўлиши лозим. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, судлар фаолиятига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш жараёни узок вақтни талаб қилади. Давлатимизда ҳам ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар босқичма-босқич қабул қилинган ҳолда судлар фаолиятига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш тараққий этмоқда. Мазкур мақола илғор хорижий давлатларнинг замонавий-рақамли технологиялар соҳасидаги тажрибасини ўрганиш орқали мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида ушбу соҳани янада такомиллаштирилишига кенг имкон яратади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Электрон судья, рақамли технология, электрон суд платформаси, одил судлов, электрон далил, электрон имзо.

Сўнги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақамли технологияларни суд фаолиятига жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ушбу соҳада ҳуқуқий нормаларни, муассасалар, тармоқлар ва тизимлар қўлланилишини таққослаш алоҳида аҳамиятга эга.

Халқаро тажриба алмашинуви ўсиш сари улкан қадам ташлашга, одил судловнинг очиқлиги ва рақамли технологияларни суд тизимида жорий этишни янада такомиллаштирилишига имкон яратади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суд-ҳуқуқ тизимида рақамли технологияларни жорий этилиши фақатгина судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, одил судловга эришиш ва судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим роль ўйнаб қолмасдан, балки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини асоссиз равишда бузилишини, бюджет ҳисобидан сарфланадиган ортикча ҳаражатларнинг олдини олиш, ишни кўриб чиқиш муддатини қисқартириш ва шу каби бошқа муҳим афзалликларга эга.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, судларга электрон шаклда ҳужжат тақдим этиш ғояси 1980 йилларда АҚШда қоғоз ҳужжатларни сақлаш одам кучи ва меҳнат ресурсларини талаб этиши ҳамда жуда кенг майдонни эгаллаши каби муаммоларни олдини олиш мақсадида пайдо бўлган. Ундан ташқари, ҳужжатнинг “асли” хизматчиларнинг хатоси билан йўқотилиши ёки бегона шахсларнинг қўлига тушиб қолиш каби хавфлар мавжудлиги ҳам судларга электрон шаклда ҳужжат тақдим этилишининг афзаллигини кўрсатади.

1999 йили АҚШда илк маротаба, гувоҳларнинг сўроғи бўлган “жонли” кўрсатмаларни бутунлай электрон кўрсатмаларга алмаштириш мумкин деган ғоя илгари сурилди. Шунингдек, бирор бир электрон ахборот ташувчига ёзиб олинган гувоҳ сўроғи каби ғоя илгари сурилди, суд мажлисини жараёнини ҳакамлар онлайн режимда кузатишлари, суд залида ҳакамларнинг қарорини онлайн трансляция қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар кўйилди.

Электрон исботларнинг фаол киритилиши, суд муҳокамаси санасини белгилаш масаласини ҳал қилиши мумкин, чунки баъзи жараён иштирокчиларининг келмасликларини шунчаки уларнинг “электрон сўроғига” алмаштириб қўйиш мумкин. Шунингдек, суд муҳокамалари жараёнида видеоконференциялардан фойдаланиш факти, ишларни кўриб чиқиши муддатлари муаммосини ҳал қилган бўлар эди, бу эса бизнинг мамлакатимиз учун жуда долзарб ҳисобланади.

Маълумки, Хитой Халқ Республикаси (кейинги ўринларда ХХР деб номланади) барча соҳаларни кенг қамраб олаётган энг илғор давлатлардан бири ҳисобланади. ХХР иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, ижтимоий институтлар ва ҳуқуқ соҳасини рақамлаштиришда ҳам катта муваффақияларга эришиб келмоқда.

Хусусан, 2019 йил август ойида Пекин, Шанхай ва Гуанчжоу туманларининг барча уч даражадаги судлари даъволарни доменлараро топшириш, суд ишларини юрисдикцияга



мувофик рўйхатдан ўтказиш, ишларни масофадан кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш ишларини максимал даражада олиб бориш бўйича узлуксиз ишлашга эришдилар.

Бугунги кунда ҳам Хитой ўз иқтисодиёти, ишлаб чиқариш, ижтимоий институтлар ва ҳуқуқ соҳасини рақамлаштиришда ҳам ажойиб ютуқларга эришди. Хитой Халқ Республикасининг қонун ва ҳуқуқий институтларини рақамлаштиришнинг ноёб тажрибаси энг долзарб тадқиқот мавзуларидан биридир.

Чжецзян провинцияси олий халқ суди 2015 йил апрель ойида ўз ваколатлари доирасида электрон тижорат бўйича низоларни ҳал қилиш учун тажрибавий интернет судини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Онлайн суд процессида онлайн тўловлар тўғрисидаги, интернетдаги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши тўғрисидаги, Интернет-транзакциялар тўғрисидаги низоларни онлайн суд процессида биринчи бўлиб кўриб чиқди.

2016 йилнинг октябр ойида ХХР Олий халқ суди - “ХХР халқ судлари медиа платформаси” деб номланувчи ягона онлайн-медиа платформани ишга туширган бўлиб, ушбу платформа функционал тарзда, ишни юритувга қабул қилиш, ишларни тақсимлаш, медиация ва ҳ.к. ларни ўз ичига олади. Бунда, мазкур платформа орқали, суддан олдинги медиация каби, суд жараёни иштирокчи-томонларни яраштирув таомиллари, юридик фактларни тасдиқлаш жараёнлари ҳам амалга оширилади.

2020 йил 29 апрел ҳолатига ХХР халқ судларининг Медиа платформасида 2 819 та суд, 31 836 та онлайн касбий медиа ташкилотлари, 125 411 касбий медиаторлар аккредитациядан ўтказилган, ушбу платформа орқали 5 950 341 медиа ишлар тартибга солинган.

2019 йил 2 март куни Гуанчжоунинг Интернет-суди орқали “Катта кўрфаз” худудида (Гуандун-Гонконг Макао вилояти) медиация учун Интернет-суднинг - Гуанчжоу онлайн Интернет-суди низоларининг диверсификацион медиацияси платформаси (Guangzhou Court OF The Internet Online Dispute Resolution Platform) ишга туширилди, мазкур платформа, ХХР да ҳуқуқий кибермайдонни қуриш ғоясига кўра, тўлиқ циклдаги интернет-низоларни, жараён иштирокчилари “уйдан, Интернет тармоқдан чиқмасликлари” кўзда тутилган онлайн шаклда ҳал этувчи ягона сервисга айлантирилиши мўлжалланган. Ҳозирги кунга келиб (29.04.2020 йил) платформа 48 та медиа ташкилотлар, 714 та медиаторларни (шу жумладан уларнинг 20 таси Гонконг ва Макаога жойлашган) бирлаштиради. Ушбу платформа орқали интернет-ҳуқуқлар бузилиши (энг кўп бузилишлар фуқаронинг суратидан Интернетда фойдаланишга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланади – асосан Пекин, Гуанчжоу, Сингапур, Гонконг ва Макао каби 5 та ҳудудда) тўғрисидаги низолар муваффақиятли ҳал этилади.¹

Мамлакатимизда ҳам онлайн-суд медиациясини кучайтириш чораларини кўриш лозим бўлади. Хусусан “Судлар медиа платформаси”ни яратилиши ишда иштирок этувчи шахсларнинг медиаторнинг профессионал фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятини беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 107-моддаси 5²-бандида кўра, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган тарафлар уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаса даъвони кўрмасдан қолдиришга сабаб бўлади. Мамлакатимизда ҳам онлайн - суд медиациясини жорий этилиши суднинг медиация тартиб-таомилини амалга оширилишидан хабардор бўлишини ва тарафларни ортиқча оворагарчиликдан холос бўлишини таъминлайди.

Ижро этиш жараёни доирасида мол-мулкни сотиш тартибининг ошқоралиги ва самардорлигини ошириш учун ХХР Олий Халқ суди катта маълумотлар технологиясидан фойдаланган ҳолда ХХРнинг етакчи интернет-платформалари билан ҳамкорликда муайян мулк объектини баҳолайдиган суд онлайн-савдоси тизим (онлайн суд экспертизаси)ни ишлаб чиқди ва фаол тарғиб қилди.

Шундай қилиб, ушбу платформа ишга туширилгандан буён (01.01.2017), тизим ўзининг сўзсиз устунлигини намоиш этди: аукцион ставкалари сезиларли даражада пасайиши билан нархлар, харажатлар, айланма (оборот) коэффициенти ва мулкни тасарруф этиш бўйича мукофот ставкаси икки бараварга ошди ва савдо процедуралари бўйича қонуний талабларнинг бузилиши тўғрисида шикоятлар сони нолга етди. 2019 йил 31 октябрдан бошлаб онлайн савдо тизими ишга туширилгандан буён унда 3.300 дан ортиқ суд иштирок этди ва ХХР давомида 1,59 миллиондан ортиқ суд онлайн-аукционлари ўтказилди, уларнинг умумий қиймати 938,7 миллиард юандан ошди.

¹ https://zakon.ru/blog/2020/5/2/pravosudie_na_konchikah_palcev_opyt_knr_83633 (Правосудие на кончиках пальцев: опыт КНР)



2019 йил 31 октябрдан бошлаб онлайн савдо тизими ишга туширилгандан буён унда 3.300 дан ортиқ судлар иштирок этди ва 1,59 миллиондан ортиқ суд онлайн-аукционлари ўтказилди, уларнинг умумий қиймати 938,7 миллиард юандан ошди.

Электрон суд далиллар билан ишлашни (қабул қилиш, сақлаш, сертификатлаш) суд ишларини оптималлаштириш учун ХХР судлари “блокчейн суд ишларини юритиш” модели (блокчейн технологияси)ни фаол ўрганмоқдалар, амалиётга татбиқ этмоқдалар, бу катта маълумотлар технологияларининг комбинациясига асосланган (облачных хранилищ) булут сақлаш ва блокчейн, суд ичидаги далилларни сақлаш тизимини химоя қилади ва қалбаки электрон далилларга қарши курашади, унинг ишончлилигини оширади.

Бугунги кунга қадар электрон далилларни сақлашнинг асосий платформаси Пекин интернет суди томонидан 09.09.2018 йилда ишга туширилган “Тарози занжири” платформаси ҳисобланади.

Компьютер хизмат кўрсатиш платформаларидан ташқари, ХХР аҳолиси томонидан мобиль телефонлар ва WeChat дастурларидан кенг фойдаланишнинг умумий тенденциясига жавобан ХХР судлари томонидан “Mobil микро-суд” электрон суд платформаси (кўчма микро суди) яратилиб, фаол такомиллаштирилди ва тарғиб қилинди. WeChat платформаси асосида юзни аниқлаш, масофадан туриб аудио ва видео, электрон имзо ва бошқалар функциялардан фойдаланилади. Mobil микро суд орқали даъво аризаси билан мурожаат қилиш, ҳужжатларни юбориш, суд муҳокамасида иштирок этиш, иш бўйича далил алмашиш, воситачилик қилиш ва ҳоказоларни амалга ошириш мумкин.

Хитойда “Мобиль микро-суд” суд мажлисини бошлаган биринчи суд Чжецзян вилояти Юяо шахрининг Халқ суди ҳисобланади (2017 йил октябр). 2018 йил январ ойида Чжецзян провинциясининг Нинбо шаҳар ўрта халқ суди томонидан “Нинбо мобиль кўчма микро-суди” очилди ва ўша йилнинг октябр ойида Чжецзян вилоятининг барча судлари ушбу платформага уланишди.

2019 йил март ойида, Чжецзян провинциясидаги кўчма микро судларнинг иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида ХХР Олий халқ суди ХХРнинг 12 та вилоят судлари томонидан микро-судларнинг ушбу форматга синовли уланишини осонлаштирди.

2019 йил 31 октябр ҳолатига кўра “Мобиль микро-суд”ларда рўйхатдан ўтган фойдаланувчи-тарафлар сони 1,16 миллион нафарни, рўйхатдан ўтган адвокатлар - 73 200 нафарни ташкил қилиб, улар бўйича берилган даъволар ва улар бўйича рўйхатга олинган ишлар сони 3,14 миллиондан ошди.¹

Россия иқтисодий адолат тизимини ахборотлаштириш даражаси экспертларининг баҳолаш натижаларига кўра Австралия, Германия, Канада ва Сингапур ва Хитой давлатлари 7,5 баллдан 11 баллгача бўлган юқори кўрсаткичли даражага эришган.²

Техник ривожланиш даражасининг турличалигидан келиб чиқиб, судга электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби ҳар бир давлатда турлича кўриниш ҳосил қилган. Хусусан, Сингапурда фуқаролик ишлари бўйича судга электрон шаклда мурожаат қилиш мажбурий тартиб сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Исроил, АҚШ ва Австралияда ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этиш кенг тарқалган ва у судга мурожаат қилувчи шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.³

Сингапурда ахборотларни электрон тизим орқали юбориш (EFS-Electronic Filing System) Олий суд ва куйи турувчи судлар томонидан деярли уч йил мобайнида турли синов ва экспериментлардан ўтгач 2000 йилнинг 1 мартдан эътиборан амалга киритилди. Сингапур тажрибасига кўра, ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш тизимига кириш учун ундан фойдаланувчи албатта рўйхатдан ўтиши, керакли техник ускуналарга ва лицензи-

¹ https://zakon.ru/blog/2020/5/2/pravosudie_na_konchikah_palcev_opyt_knr_83633 (Правосудие на кончиках пальцев: опыт КНР)

² Информационные технологии в правосудии состояние и перспективы Россия и мир. Коллектив авторов: Кашанин А.В. (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики»), Козырева А.Б. (Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина), Курносова Н.А. (Центр развития современного права), Малов Д.В. (Центр развития современного права). Отв. редактор: Кашанин А.В. www.crsp.pf. info@crsp.su

³ Брановский К.Л. Использование информационных технологий в европейском приказном производстве (Регламент ЕС 1896/2000) // Арбитражный и гражданский процесс. 2009. № 10, -С. 36-490.; Брановский К.Л., Котельников А.Г., Решетникова И.В. Гражданское судопроизводство за рубежом. –М.: Инфотропик. 2013. –С. 96-116, 143-149, 150-167.



яланган дастурий таъминотга эга бўлиши талаб этилади. Судлар ўз навбатида мустақил сертификацияловчи марказ вазифасини бажаради: рўйхатдан ўтгач фойдаланувчига цифрли сертификат жойлаштирилган ва EFSга кириш учун рухсат берадиган смарт-карта берилади. Шундан сўнг у электрон тизим хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади. Сингапурда мазкур тизимни ташкил этишнинг дастлабки йилларида судларга электрон шаклда хужжатларни тақдим этишни рағбатлантириш мақсадида қонун билан ушбу шаклдаги аризалар учун судга умумий тартибда мурожаат қилинганда ундириладиган божнинг 15 фоиз миқдорига чегирмалар жорий этилган.¹

Сингапур давлати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айнан бизнинг қонунчиликка ҳам судларга электрон шаклда мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш мақсадида давлат божи бўйича чегирмалар жорий этишни таклиф қиламан.

Айрим хорижий давлатларда судга электрон шаклда ариза тақдим этиш жараёнида аризачиларга янада қулайлик яратиш, уларга бу борада ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун махсус марказлар ташкил этилганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Исроилда махсус клиникалар фаолият кўрсатиб, улар ёрдамида судга электрон аризаларни бепул тақдим этиш мумкин. Англияда 2002 йилдан келишилган лойиҳа йўлга қўйилиб, унга кўра, даъво аризалари электрон шаклда махсус марказлар (“Money Claim Online”, “Claim Production Centre”) томонидан ҳам тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Дастлаб ушбу марказлар томонидан фақатгина даъво баҳоси 100 минг фунт стерлинггача бўлган даъво аризаларини Интернет тизими орқали судга тақдим этиш мумкин бўлса, кейинчалик ушбу марказларда даъво аризаси юзасидан жавобгарларнинг эътирозларини Интернет тизими орқали судга тақдим этиш имконияти яратилди. Мазкур тартибнинг жорий этилиши даъвогарлар учун нафақат судга даъво аризани тақдим этиш, балки шу билан биргаликда Интернет тизими орқали давлат божларини тўлаш, кўрилатган ишнинг бориши билан боғлиқ жараёнларни кузатиб бориш имконини яратиб берди. Шу билан бир қаторда мазкур тизим жавобгарларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил этади.²

Мамлакатимизда ҳам Исроил давлати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда судга мурожаат қилаётган жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайлик яратиш мақсадида судга аризаларни электрон шаклда тақдим этилишида бепул хизмат кўрсатган юридик клиникалар ва адвокатураларга имтиёз бериш йўли билан судга электрон шаклда мурожаат қилиш тизимини янада такомиллаштириш лозим деб ҳисоблайман.

Буюк Британияда рақамли бизнес-ишлаб чиқариш инфратузилмаси 2015 йилда ишга туширилгандан буён (HM Courts & Tribunals Service Digital Case System) жорий этилиши, ишлатилган қоғоз ҳажмини 500 тоннага ва даъво аризасини топширишга сарфланган вақт - 15 иш кунидан 10 дақиқাগача қисқартирди. Буюк Британиядаги мутахассисларнинг фикрига кўра, 2023 йилга келиб 2 миллиондан ортиқ иш ҳақиқий суд заллари ташқарисида кўриб чиқилади, шу туфайли давлат тахминан 244 миллион фунтни тежашга қодир бўлади.³

Айни вақтда барча мамлакатларда суд тизимини янада ривожлантириш мақсадида рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқда ва улардан фойдаланиш кўлами кенгайтирилмоқда. Халқаро тажриба суд тизимида сунъий интеллектнинг қўлланилиши, тез ривожланаётган замонавий муносабатлар шароитида муаммоларни ҳал қилиш учун таклиф этилаётган турли хил ёндашув ва йўналишларнинг кенгайтирилганлигидан далолат беради. Ҳеч шубҳа йўқки, сунъий интеллект суд фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Масалан, Бразилияда кейинчалик кейинчалик суд ҳукми асосланадиган йўл-транспорт ҳодисаларида гувоҳларнинг кўрсатмалари ва ашёвий далиллар киритиладиган ва таҳлил қилинадиган эксперт тизими бўлган “Электрон судья” компьютер дастури қўлланилади. Ноанъанавий лойиҳа – “мобил (чаққон) суд” – Бразилияда ишлаб чиқилган. “Сунъий интеллект” дан фойдаланиш асосидаги тизим, йўл-транспорт ҳодиса-

¹ Решетняк В.И. Электронное правосудие в гражданском процессе Сингапура // Российский юридический журнал. 2012. № 2. С. 75-80.

² Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –71 с.

³ Информационные технологии в правосудии: состояние и перспективы. Россия и мир. Аналитический доклад. Коллектив авторов: Кашанин А.В. (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики»), Козырева А.Б. (Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина), Курносова Н.А. (Центр развития современного права), Малов Д.В. (Центр развития современного права). Отв. редактор: Кашанин А.В. www.crcsp.pf info@crsp.su



лари соҳасидаги унчалик мураккаб бўлмаган ишларни жойида тезкор хал этиш имконини беради.

Лойиҳа ҳар қандай, яъни иш қонунни талқин этиш билан эмас, балки “ҳақиқий мантиқ”, бир хил турдаги “ҳа” ёки “йўқ” каби жавоблар билан боғлиқ бўлган ҳолатларга мўлжалланган. Тизим, барча ЙТХ иштирокчилари ва гувоҳларга стандарт саволлар йиғиндисини таклиф қилади, уларнинг таҳлили асосида эмас, дастур асосли натижани чиқариб беради. Шунга қарамасдан, судья-одам, “электрон судья”нинг фикрига рози бўлмаслик ва шахсий қарор қабул қилишга ҳақли. Бу, компьютер дастури анъанавий судьяларни алмаштиришга қодир эмаслиги – у шунчаки уларнинг ишларини янада самаралироқ қилиш, суд тизимини юкламасини камайтиришга имкон беради.¹

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам “Электрон судья” компьютер дастурини жорий этилишини таъминлаш кўрилатган ишларнинг сифат даражасини оширишга ва айниқса коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Ирландияда Ҳуқуқ бўйича электрон йўриқнома (“Electronic Bench book”) кенг қўлланилади, бундан ташқари, 2001 йилдан бошлаб Ирландия Олий судининг қоғоз ташувчида қайд этилган қарорлари, тўлиқ электрон шаклга ўтказилган ва унинг www.supremecourt.ie расмий сайтидан олиниши мумкин. ҳозирги вақтда Ирландиянинг туман судларида, даъволарни топширишнинг интерактив (интерфаол) тизими амал қилапти, суд қарорларининг Ягона маълумотлар базаси ишлаб чиқилмоқда.²

Буюк Британия ва Уэльсда амал қилувчи суд хизмати, “e-Lis” электрон ҳуқуқий кутубхона орқали, мамлакатнинг барча суд муассасалари ҳуқуқий маълумотлар базасига эркин киришни тақдим этади.³

Ушбу соҳада етакчи бўлган Сингапурда, ҳужжатларни топшириш ва хабарномаларни юборишнинг электрон шакли мажбурий ҳисобланади ва барча фуқаролик ишларини кўриб чиқишда қўлланилади.

Даъво аризасини электрон кўринишда топшириш имкониятлари, Мексикада, Япониядаги Токио ва Осака судларида кўзда тутилган.

Канадада, суддан олдинги йиғилишлар бугунги кунда теле-конференциялар орқали ўтказилиши мумкин.

Австрияда, охириги ўн йил мобайнида, одил судлов органлари тизими, замонавий ахборот технологиялари ва “Enterprise Justice” лойиҳаси доирасидаги автоматлаштириш тизимлари ёрдамида такомиллаштирилади.

Германияда, соддалаштирилган иш юритувининг (мажбурий-буйруқ бериш жараёни ва алиментларни ундириш бўйича иш юритувларида) баъзи бир турларида, аризалар, суд баённомаси ва қарорларини электрон техника ёрдамидаги машина ишловидан фойдаланилади. XX асрнинг 90 йиллари ўрталарида, Ғарбий Германия судларидаги қарздорликни сўзсиз ундириш ҳақидаги барча аризаларнинг 55% га ЭҚМ ёрдамида ишлов берилган ва бу тажрибани янда кенгайтириш режалаштирилган.

Хуллас, жаҳон тажрибасини ўрганиб, хорижий давлатлар тажрибасини мамлакатимиз қонунчилигига жорий этилиши ушбу соҳани янада такомиллашувига катта ёрдам беради ва шу сабабли хорижий мамлакатлар тажрибасини миллий қонунчиликка ва амалиётга жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман:

- хусусан, Сингапур давлат тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг давлат божидан имтиёз бериш орқали электрон суд тизимидан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунини судга электрон тарзда мурожаат қилинган тақдирда белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдориди давлат божи тўланиши тўғрисидаги норма билан тўлдиришни;

- Хитой давлати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда электрон суд далилларини ишончли сақланишини ва қалбакилаштиришдан ҳимояланишини таъминлаш мақсадида “блокчейн суд ишларини юритиш” модели (блокчейн технологияси)ни янгиланиб турилишини таъ-

¹ Суд по-бразильски: приговор выносит искусственный интеллект [Электронный ресурс]. URL: <http://www.v-brazil.com/government/judiciary-branch/supreme-court.html>.

² Ireland’s Contribution to the New Multi-Annual Freedom, Security and Justice Work Programme. Draft [Electronic Resource] / The European Commission.-2010. http://ec.europa.eu/justice_home/news/consulting_public/0001/contributions/ireland_en.pdf.

³ About Her Majesty’s Courts Service [Electronic Resource] / Her Majesty’s Courts Service. – 2010. – Mode of access:<http://www.hmcourts-service.gov.uk/elis/35.htm>



минловчи тизимни яратишни;

- Хитой давлати тажрибасидан келиб чиқиб, “Mobil микро-суд” электрон суд платформа-си (кўчма микро суди) яратиш. Ушбу платформа асосида юзни аниқлаш, масофадан туриб аудио ва видео, электрон имзо ва бошқалар функциялардан фойдаланиш, даъво ариза-си билан мурожаат қилиш, ҳужжатларни юбориш, суд муҳокамасида иштирок этиш, иш бўйича далил алмашиш, воситачилик қилиш ва ҳоказоларни амалга ошириш имкониятини яратишни;

- “Mobil микро-суд” электрон суд платформасидан фойдаланишнинг қулайлиги ва кам харажатли эканлигини инобатга олиб, мазкур электрон суд платформасини мамлакатимиз суд фаолиятига жорий этишни;

- онлайн-суд медиациясини қонунчиликка жорий этишни;

- Бразилия давлати тажрибаси асосида кейинчалик суд ҳукми асосланадиган йўл-транспорт ҳодисаларида гувоҳларнинг кўрсатмалари ва ашёвий далиллар киритиладиган ва таҳлил қилинадиган эксперт тизими бўлган “Электрон судья” компьютер дастурини ишлаб чиқишни;

- Исроил давлати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда судга мурожаат қилаётган жисмоний ва юридик шахсларга судларга аризаларни электрон шаклда тақдим этилишида янда қулайлик яратиш мақсадида судларга аризаларни электрон шаклда тақдим этилишида бепул хизмат кўрсатган юридик клиникалар ва адвокатураларга (солиқ ва бошқа соҳаларда) имтиёз берилишини тақлиф қиламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://zakon.ru/blog/2020/5/2/pravosudie_na_konchikah_palcev_opyt_knr_83633 (Правосудие на кончиках пальцев: опыт КНР)

2. Информационные технологии в правосудии состояние и перспективы Россия и мир. Коллектив авторов: Кашанин А.В. (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики»), Козырева А.Б. (Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина), Курносова Н.А. (Центр развития современного права), Малов Д.В. (Центр развития современного права). Отв. редактор: Кашанин А.В. www.crsp.pf. info@crsp.su

3. Брановский К.Л. Использование информационных технологий в европейском приказном производстве (Регламент ЕС 1896/2000) // Арбитражный и гражданский процесс. 2009. № 10, -С. 36-4. Брановский К.Л., Котельников А.Г., Решетникова И.В. Гражданское судопроизводство за рубежом. –М.: Инфотропик. 2013. –С. 96-116, 143-149, 150-167.

4. Решетняк В.И. Электронное правосудие в гражданском процессе Сингапура // Российский юридический журнал. 2012. № 2. С. 75-80.

5. Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. -71 с.

6. Информационные технологии в правосудии: состояние и перспективы. Россия и мир. Аналитический доклад. Коллектив авторов: Кашанин А.В. (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики»), Козырева А.Б. (Московский государственный юридический университет имени О.Е. Кутафина), Курносова Н.А. (Центр развития современного права), Малов Д.В. (Центр развития современного права). Отв. редактор: Кашанин А.В. www.crsp.pf info@crsp.su

7. Суд по-бразильски: приговор выносит искусственный интеллект [Электронный ресурс]. URL: <http://www.v-brazil.com/government/judiciary-branch/supreme-court.html> .

8. Ireland’s Contribution to the New Multi-Annual Freedom, Security and Justice Work Programme. Draft [Electronic Resource] / The European Commission.-2010. http://ec.europa.eu/justice_home/news/consulting_public/0001/contributions/ireland_en.pdf.

9. About Her Majesty’s Courts Service [Electronic Resource] / Her Majesty’s Courts Service. – 2010. – Mode of access:<http://www.hmcourts-service.gov.uk/elis/35.htm>



ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО СТАТУСА НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ОСУЖДЕННЫХ

Сайдуллоев Ахадхон Абдуллоевич,

Старший преподаватель кафедры уголовного права,
криминалистики и предупреждения коррупции

Таджикского государственного университета
права, бизнеса и политики

ORCID: 0000-0001-8743-9849

E-mail: ahadkhon.saidulloev@mail.ru

Аннотация: В настоящей статье раскрыты вопросы правового положения несовершеннолетних осужденных, отбывающих наказание в виде лишения свободы. Автор проводит сравнительно-правовой анализ международных норм права и законодательства Республики Узбекистан, регламентирующих правовой статус несовершеннолетних осужденных. В частности, подробно раскрываются уголовно-исполнительные правоотношения. Также описывается основы правового режима исполнения и отбывания наказания со стороны несовершеннолетних лиц. По результатам данного исследования автор работы приводит ряд предложений, направленных на совершенствование уголовно-исполнительной деятельности.

Ключевые слова: несовершеннолетние, уголовное наказание, лишение свободы, гуманность, права человека, защита, Узбекистан

Исполнение уголовного наказания в виде лишения свободы является важным направлением государственной политики. Содержанием ее является законное и гуманное исполнение кары в форме изоляции осужденных, обеспечение прав человека в уголовно-исполнительной деятельности и достижение целей наказания.

В связи с вступлением в международное сообщество в качестве полноправного члена Узбекистан взял на себя обязательства по приведению национального законодательства в соответствие с международными нормами и стандартами в области соблюдения прав человека. В частности, были ратифицированы такие принципиальные документы, как Конвенция о защите прав человека и основных свобод и Конвенция по предупреждению пыток и бесчеловечного или унижающего обращения или наказания. В январе 2006 г. приняты Европейские пенитенциарные правила, которые стали ориентиром для приведения уголовно-исполнительной системы многих государств в соответствие с самыми современными мировыми стандартами [1].

Проблема правового положения несовершеннолетних осужденных, отбывающих наказание в виде лишения свободы обусловлена спецификой условий в местах лишения свободы. Негативы организации колонийской системы учреждений по исполнению наказания советского периода продолжают играть отрицательную роль в пенитенциарной практике, сдерживая преодоление нарушений прав человека.

Вместе с тем изменения, произошедшие в обществе, требуют дальнейшего совершенствования нормативно-правовой основы, проведения дополнительных организационных мероприятий, принятия конкретных управленческих решений для более четкого определения правового положения несовершеннолетних осужденных, для успешного решения задач их исправления.

Уголовное наказание в виде лишения свободы представляет собой изоляцию осужденных путем их помещения в специальные государственные учреждения. Содержание их в изоляции носит строго правовой характер, в уголовно-исполнительных правоотношениях они выступают как их основной субъект. Лишение свободы кардинально меняет образ жизни несовершеннолетнего [2].

С момента прибытия в учреждение по исполнению наказания его поведение детально регламентируется законом. Правовой регламентации кроме правоограничений карательного характера подвергаются практически все сферы жизнедеятельности осужденного, в том числе такие, которые в обществе регулируются нормами нравственности, этики и морали. Это вызвано, с одной стороны, потребностью упорядочить совместное содержание значительного числа осужденных, сосредоточенных на относительно небольшой территории,



а с другой - необходимостью четкого определения требований персонала учреждений и органов, исполняющих наказания, рамками правовых установлений.

Основу правового режима исполнения и отбывания лишения свободы составляют, прежде всего, юридические обязанности несовершеннолетних осужденных и субъективные права, а также законные интересы [3]. Они определяют всю процедуру уголовно-исполнительной деятельности по достижению поставленных перед наказанием целей, в первую очередь - исправления осужденных [4].

Осужденные к лишению свободы пользуются без каких-либо существенных ограничений правами в сфере наследственных, брачно-семейных, трудовых и иных отношений [5]. Вместе с тем, осужденный как субъект уголовно-исполнительных правоотношений, наделяется законом специальными правами, у него появляются законные интересы и он принуждается к выполнению юридических обязанностей.

В содержании правового положения осужденных к лишению свободы доминирующую роль играют нормы уголовно-исполнительного права, формирующие специальный их статус. Вместе с тем, значительный круг отношений, осужденных регулируется нормами государственного, административного, трудового и иных отраслей права. Например, нормы, определяющие гарантии обеспечения здоровья осужденных в местах лишения свободы.

Учитывая значимость в воспитании несовершеннолетних, нравственном развитии убеждений, религиозного и иного сознания, законодатель особым образом сделал акцент на обеспечении права осужденных на свободу совести и свобода вероисповедания. Это право осужденных закреплено в УИК, которые предусматривают возможность совершения религиозных обрядов и церемоний в местах лишения свободы.

Отбывание наказания - есть процесс реабилитационный по своему правовому (юридическому) смыслу. Приговор суда, представляющий акт правосудия государства, имеет как ретроспективное, так перспективное значение. Ретроспективное значение его заключается в том, что, в нем виновное лицо порицается в совершении преступления и устанавливается его ответственность в форме наказания или иной меры уголовно-правового характера.

Понятие лишения свободы в теории права употребляется в значении наказания в виде лишения свободы на определенный срок [6], а также для обозначения всех видов наказаний, связанных с изоляцией осужденных: лишения свободы на определенный срок, пожизненного лишения свободы, ареста, содержания в дисциплинарной воинской части.

Международным правовым актам в сфере исполнения уголовных наказаний отводится особая роль важнейшего социального "инструмента": фактора коррекции пенитенциарной политики, гуманизации принуждения в форме изоляции осужденных и заключенных; приданию пенитенциарным учреждениям формально определенных и одобренных мировым сообществом условий и методов работы, обобщенного и приемлемого опыта работы для исключения в местах изоляции правонарушителей нарушений прав человека. Республика Узбекистан позитивно восприняла нормы международного права, касающиеся защиты прав человека и является участником ряда международных договоров [7].

Под влиянием международных стандартов в уголовно-исполнительном законодательстве впервые достаточно полно определен правовой статус осужденных (ст.8-13 УИК). Так, при исполнении наказаний осужденным гарантируются права и свободы граждан с изъятиями и ограничениями, установленными уголовным, уголовно-исполнительным и иным законодательством, что отвечает предписаниям ст.29 Всеобщей декларации прав человека, согласно которой при осуществлении своих прав и свобод каждый человек должен подвергаться только таким ограничениям, какие установлены законом.

Вместе с тем, перечень прав осужденных с точки зрения интересов несовершеннолетних, в статье 9 УИК не является исчерпывающим. На наш взгляд, права осужденных должны быть расширены. Так, в данной статье дополнительные должны быть указаны следующие права осужденных:

- внесение Президенту Республики Узбекистан ходатайств о помиловании в порядке, установленном законодательством;
- признание человеческого достоинства, защита от пыток и других бесчеловечных или унижающих видов обращения;
- обеспечение личной безопасности;



– получение социальной помощи от работника социальных служб.

Также, целесообразно статью 9 УИК нормой, предоставляющей возможность лицам с недостатками зрения, слуха или речи, пользоваться услугами специалистов, умеющих общаться при помощи **дактилологии (языка жестов) или азбуки Брайля**.

Совершенствование уголовно-исполнительного законодательства является следствием признания и отражения рекомендаций международных норм права в правовой материи, а также применения в практике деятельности учреждений и органов, исполняющих наказания. Однако имеются международные стандарты, практическое применение которых требует определенного времени и соответствующих материальных средств, в частности, это касается:

- размещения осужденных в отдельных комнатах (камерах);
- обеспечения права лиц, освобождаемых из мест лишения свободы, на эффективную социальную и материальную поддержку после освобождения;
- строительство новых и реконструкции старых мест содержания под стражей и учреждений, исполняющих наказания.

В связи с вышеизложенным представляется необходимым обеспечить осуществление международного сотрудничества на базе изучения деятельности зарубежных тюремных систем, форм и методов работы по соблюдению прав человека в отношении лиц, лишенных свободы, апробирования методик обучения персонала, внедрения в практику работы территориальных органов и учреждений, исполняющих наказания [8].

Кроме того, на сегодняшний день не в полной мере отвечают требованиям Минимальных стандартных правил обращения с заключенными, пенитенциарным стандартам места изоляции осужденных к лишению свободы (колонии). В них сохраняется концентрационный характер содержания осужденных, что осложняет среду их обитания, повышает риск заболевания туберкулезом и другими инфекционными заболеваниями.

В заключение отметим, что учитывая, что лишение свободы на определенный срок, один из самых строгих по объему кары видов наказаний, в котором изоляция несовершеннолетних осужденных существенным образом затрагивает личную и социальную сферу бытия каждого из них, включая интересы семьи, родственников и близких, государство вынуждено брать на себя решение целого ряда социальных вопросов в отношении лиц, содержащихся в местах лишения свободы.

Список использованной литературы:

1. http://www.eurailius.org.al/recommendations/eng/1.Recommendations_for_the_management_reform_of_the_Albanian_Prison_System.pdf.
2. Туманов Г.А. Режим лишения свободы. – М., 2016. – С. 276.
3. Павлов В. Г. Субъект преступления. – СПб., 2011. – С. 10.
4. Селиверстов В.И. Уголовно-исполнительное право: Учеб. для юрид. вузов / Под ред. В.И. Селиверстова. - М., 2003. С. 65, 66.
5. Ной И.С. Теоретические вопросы лишения свободы. – Саратов, 2015. – С. 53.
6. Маликов Б.З. Теоретические проблемы сущности и содержания лишения свободы и их выражение в уголовном и уголовно-исполнительном законодательстве России: Дис.... д-ра юрид. наук. - Рязань: Академия права и управления Минюста России, 2004. - С. 72.
7. Узбекистан является участником международных договоров, резолюций и решений международных организаций по вопросам соблюдения прав осужденных. Она последовательно участвует в выполнении таких документов как Минимальные стандартные правила обращения с заключенными (1955 г.), Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (1979 г.), Свод принципов защиты всех лиц, подвергаемых задержанию или заключению в какой бы то ни было форме (1989 г.), Минимальные стандартные правила ООН, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних. Пекинские правила (1985 г.).
8. Европейские пенитенциарные правила // Защита прав человека в местах лишения свободы: Сб. нормативных актов и официальных актов / Отв. ред. Миронов О.О. - М: Юриспруденция, 2003.



МАЪМУРИЙ СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Рўзиева Азиза Авазовна,
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
Телефон: +99891 339-36-00
azizaruzieva1086@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш борасида суд ҳужжатлари ижросини қатъий таъминлаш, суд ҳужжатларини асоссиз ижро этилмаслигини инкор этувчи тўсиқ ва иллатларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: суд ҳужжатларининг ижроси, ижросини юритиш соҳасини, ижрочилар тузилмалари, суд ҳужжатларини ҳуқуқий таъсир

Мамлакатни ривожлантириш, уни жаҳон ҳамжамиятида рейтингини оширишнинг устувор йўналишларидан бири суд тизимини демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий нормаларга қатъий риоя қилинишини таъминлашдан иборат.

Айниқса, маъмурий судларнинг ислоҳ қилиниши фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд идораларига нисбатан ишончи ошишига, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Дарҳақиқат, маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси этиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Бу вазифани бажаришда суд ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Маъмурий судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари қонуний ва асослантирилган бўлиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши билан бир қаторда суд ҳужжатларини ўз вақтида ижро этилиши - маъмурий процессуал қонунчилик талабидир.

Тарихга назар солинганда, илк бор суд қарорларининг ижросини таъминловчи мансабдор шахслар IX-X асрларда фаолият юрита бошлаган. Бундай мансабдор шахслар “Амири-хорис”лар деб номланган, улар амирнинг барча фармонларини ижро этишга масъул бўлган. Фармонлар ижроси билан шуғулланувчи масъул мансабдор шахслар яшаши ва ишлаш шароити учун барча зарур буюмлар билан таъминлангани, “Амири-хорис”ларга нисбатан барча хурматда бўлганлигини Низомулмулк ўзининг тарихий “Сиёсатнома” асарида ҳам таъкидлаб ўтган¹. Кейинчалик суд ҳужжатларининг ижроси миршаблар зиммасига юклатилган. Ўзбекистон ҳудудлари XIX аср охирларида чор Россияси маъмурий тузилмаси ҳисобланиб, Туркистон генерал губернаторлиги таркибига киритилгандан сўнг, суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш мақсадида судлар ҳузурида суд пристави лавозими таъсис этилган². Мустақилликнинг дастлабки йилларида эса суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари фаолият юрита бошлашган. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти ташкил этилган.

Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари ижро ҳокимияти вакили ҳисобланиб, ижро

¹ Низомулмулк. “Сиёсатнома”. Тошкент “Янги аср авлоди. 2008 й. б-156

² Ўзбекистон халқларининг тарихи 1-том. Проф. К.В.Тревер, проф. А.Ю.Якубовский ва фан кандидати М.Э.Воронец. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент-1950 й. б-247



ҳаракатларини барча ижро ҳужжатлари учун ягона тартибни ўрнатовчи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларини қўллаб ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Жаҳон амалиётига назар солсак, суд қарорларининг ижросини юритиш соҳасини такомиллаштиришда ҳар бир давлатнинг ўзига хос механизми мавжуд.

Ваҳоланки, хориж мамлакатларида ижро фаолиятини Мажбурий ижро бюроси, Суд пристави федерал хизмати, Департамент, Худудий ва Миллий палата, Маршал хизмати, Агентлик ва бошқа махсус идоралар олиб боради.

Хорижий мамлакатларда давлат ва нодавлат ижрочилар тузилмалари мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин, Германияда суд ҳузуридаги регистраторлар, Исроилда эса магистрат суди қошидаги ижрочилар хизмати, Франция, Бельгия, Люксембургда Суд ижрочилари бошқармаси каби органлар (тузилмалар)да суд ижрочилари ва ёки махсус лицензияга эга бўлган хусусий шахслар (ижрочилар) фаолият юритади.

Айрим мамлакатларда хусусан, Италия, Франция, Латвия, Люксембург, Словения, Словакия, Литва, Польша, Руминия, Эстония, Нидерландияда ижро ишини давлат хизматчилари эмас, балки махсус органлар томонидан берилган лицензия асосида хусусий ижрочилар мустақил равишда амалга оширишади. Улар ўз фаолиятида ўзини ўзи бошқариш ваколати берилган худудий ва миллий палаталарга бўйсундилар. Хитойда ижро фаолияти суд ижрочилари томонидан амалга оширилади¹.

Турли давлатларда суд қарорларининг ижросини таъминловчи механизм бир-бирдан фарқ қилишига қарамай, ишнинг мазмунан ҳал этилишини белгилайдиган суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, ҳукм ва қарорлар чиқариш орқали судлар ўзларига юклатилган вазибаларни бажаришади ва давлат – ҳукукий ваколатларини амалга оширади.

Ваҳоланки, суднинг ҳужжати кириш, асослантирувчи, хулоса ва қарор қисмидан иборат бўлиб, қарор қисмида яқуний хулоса - суд қарори баён этилади. Суд ҳужжатларини ҳукукий таъсир этиши характери айнан шу қисмида белгиланади.

Суд қарорини ижро этиш борасида юзага келадиган ижровий муносабатларда ҳукукий муносабат ўз давомини топиши мумкин. Бу ҳолда кучга кирган суд қарори ҳукукий муносабатнинг вужудга келиши, ўзгариши ва барҳам топиши билан боғлиқ ҳолат сифатида намоён бўлади. Бу ҳолда ҳукукий муносабатнинг субъекти бўлиб, суд қарорларини мажбурий ижро эттириш органлари ва суд қарори талабларини бажаришга дахлдор орган ва ташкилотлар ҳисобланади ва улар томонидан суд қарори ижро этилгач, ҳукуқни амалга ошириш жараёни яқунланади.

Оммавий-ҳукукий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 833-сонли Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан суд ҳужжатлари ижро этилиши устидан самарали назорат механизми жорий этилиши кафолати сифатида МСИЮтКга маъмурий судлар ваколатини кенгайтирувчи бир қатор қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, маъмурий органлар томонидан суд ҳужжати ижро этилмаган тақдирда, тегишли мансабдор шахсларга МСИЮтКнинг 4-бобида белгиланган тартибда жарима солиш ваколати берилди. Суд жаримаси солиш тўғрисидаги масала МСИЮтКнинг 123-моддасида белгиланган тартибда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бунда, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримларда қўлланилган жарима чораси билан бирга суд қарори ижросини таъминлаш учун белгиланган қўшимча муддат ҳам кўрсатилиши лозим.

Суд жарималарини қўллаш ҳақидаги ажрим қонуний кучга киргач, унга асосан МСИЮтКнинг IV-бўлими тартибда ижро варақаси чиқарилиб, ижро этиш учун Мажбурий ижро бюросининг тегишли бўлимига юборилади. Шунингдек, биринчи инстанция судининг қарори апелляция ёки кассация инстанциялари томонидан бекор қилиниб, аризани

¹ Д.Р.Артиков Суд қарорлари ижроси (фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий ишлар мисолида) монография.: Тошкент-2020 й



қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган ва бу қарор жавобгар томонидан суд қарорида белгиланган муддатларда ижро этилмаган ҳолатларда ҳам жавобгарга нисбатан суд жаримасини қўллаш масаласи биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилинади.

Амалдаги қонунчиликда маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда кўриб чиқиш принципи ўз аксини топмаган. Хорижий мамлакатлар (Германия, Россия ва бошқалар) тажрибаси ва суд ҳужжатларини ижро этиш муддатини юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назардан маъмурий суд ҳужжатларини оқилона муддатда ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига 2-банд сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига Маъмурий суд ҳужжатлари ижросини кечиктириш ва ўзгартириш тартибини алоҳида модда сифатида киритиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, янги қабул қилинган ҳар бир қонун ҳужжати фуқаролар ва тадбиркорларнинг одил судлов ҳимоясида бўлиши имкониятини ошириб, суд қарорлари сўзсиз ижро этилиши ва суд фаолиятининг халқаро талаблар доирасида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Низомулмулк. “Сиёсатнома”. Тошкент “Янги аср авлоди. 2008 й. б-156
2. Ўзбекистон халқларининг тарихи 1-том. Проф. К.В.Тревер, проф. А.Ю.Якубовский ва фан кандидати М.Э.Воронец. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент-1950 й. б-247
3. Д.Р.Артиков Суд қарорлари ижроси (фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий ишлар мисолида) монография.: Тошкент-2020 й



АЙРИМ ТОИФАДАГИ ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ОЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзаев Фарходжон Тахирович,
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
Телефон: +99891 111-77-78
Farhodjon1117778@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги кунда мамлакатимизда айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашда турли хил ёндошувлар, тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Мазкур мақола мамлакатимизда айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия таъминотига оид ўзига хос хусусиятларини очиб беради ва уларга янада енгилликлар берилиши лозимлигини асослаб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия, махсус иш стажи, пенсия олиш ҳуқуқи, зарарли касблар, вазифалар ва лавозимлар, меҳнат шароити, кафолатлар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий таъминот соҳасига жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарорининг 28-банди билан 2019 йил 1 январдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни тўлаш ҳаражатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йил 1 январь ҳолатига пенсияларни тўғри тўлаш бўйича текширишлар натижасида аниқланган фуқароларга ортиқча тўланган пенсия суммаси колдикларини ҳисобдан чиқариши белгиланди.

Шу муносабати билан республика миқёсида 20 миллиарддан зиёд қарздорликлар ҳисобдан чиқарилди.

Бундан ташқари, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 592-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини таинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга ҳам қатор ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилди.

Эндиликда, 2005 йилга қадарли фуқароларнинг меҳнат даврлари меҳнат дафтарчаси асосида ҳисобга олиниши, 2005 йилдан бошлаб эса, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бадаллари асосида иш стажини ҳисобга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, айрим ҳужжатлар, шу жумладан иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар, меҳнат дафтарчаси, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар электрон тизим орқали интеграциялашган ахборот тизимидан фойдланган ҳолда аниқланиб, фуқароларга ортиқча оворагарчилик ҳолатларга барҳам берилди.

Лекин, амалиётда айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашда ханузгача қийинчиликлар ва тушунмовчиликлар юзага келмоқда.

Хусусан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига биноан эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда ҳамда аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда умумий асосларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонун 9-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;



Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Қонуннинг 11-моддаси “а” бандига кўра, ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм): эркаклар иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда ҳамда аёллар иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда охирги иш жойидан қатъи назар, ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунингдек, Қонуннинг 12-моддаси “б” банди мувофиқ **меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм): эркаклар иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда** ҳамда аёллар — иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда охирги иш жойидан қатъи назар, ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Юқоридагиларга кўра, айрим тоифадаги фуқароларга ёшидан 5 йил ва 10 йил илгари пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилган.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи касблар, лавозимлар ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларда кўрсатиб ўтилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори 2-бандида 2-рўйхатнинг 1-қисми ва 3-рўйхатнинг 1-қисми иш ўрнини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда татбиқ этилиши;

мулкчилик шакллари ва қайси идорага қарашлиликларидан қатъи назар, корхоналарда имтиёзли пенсия таъминоти бўйича рўйхатларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, қарорнинг 3-бандида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳамда Молия вазирлигига ёши бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар Рўйхатини татбиқ қилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар бериш, шунингдек, келишган ҳолда ушбу Рўйхатга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи борлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2013 йил 3 январда 2409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган умумий белгиланган ёшдан 10 ва 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2 ва 3-рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ўзгартириш ҳужжатида кўра, айрим зарарли касблар (газорезчик, слесарь, электрогазосваршик ва ҳоказо) 2013 йил 13 январдан бошлаб ушбу рўйхатлардан чиқарилди.

Амалиётда куйидаги ҳолатлар юзага келмоқда.

Масалан, фуқаро М.Х.нинг меҳнат дафтарчасида 11.03.1986 йилдан 31.12.2000 йилга қадар “машинист холодильных установок” касбида, яъни имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи вазифаларда ишлаганлиги кўрсатиб ўтилган. Унинг махсус иш стажи 14 йил 9 ой 20 кунни ташкил этади ва бу махсус таж қонун талабида кўрсатиб ўтилган 12 йил 6 ойлик талабни бажарган ҳисобланади.

Ушбу касб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12-майдаги “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-сон Рўйхатнинг 1-қисми 34-бўлими 14341-сонли



шифр код рақамида (13.01.2013 йилга қадарли бўлган таҳрирда) кўрсатиб ўтилган “машинист холодилных установок, обслуживающие аммиачно-холодильные установки” касбига тўғри келади.

Бироқ, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими қошидаги Пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тшлаш бўйича комиссия томонидан Адлия вазирлигида 12.03.2012 йилда 2337-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Ўйриқноманинг талабларига мувофиқ Сиз ишлаган ташкилотда иш ўрни шаҳодат (атгестация) кўригидан ўтказилмаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 03.01.2013 йилда 2409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган умумий белгиланган ёшда 10 ва 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2 ва 3-сон рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарорнинг талабларига асосан ушбу касб 2013 йилнинг 13 январь кунидан рўйхатлардан чиқариб юборилган деб топилиб, имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш рад этилмоқда.

Натижада фуқаро М.Х. дастлаб 11.03.1986 йилдан 31.12.2000 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994-йил 12-майдаги “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-сон Рўйхатнинг 1-қисми 34-бўлими 14341-сонли шифр код рақамида (13.01.2013 йилга қадарли бўлган таҳрирда) кўрсатиб ўтилган “машинист холодилных установок, обслуживающие аммиачно-холодильные установки” касбига ишлаганлик фактини белгилаш бўйича Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилган ва суднинг ҳал қилув қарори билан унинг талаби қаноатлантириб берилган.

Шундан кейин ҳам БТПЖ томонидан ушбу фуқарога имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш рад этилган.

Кейинчалик, туманлараро маъмурий суднинг ҳал қилув қарори билан Пенсия жамғармаси бўлими қошидаги комиссияга фуқаро М.Х.га имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш мажбурияти юклатилган.

Юқоридаги ҳолатларни таҳлил қиладиган бўлсак, амалдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун 12-моддаси “б” банди мувофиқ **меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм): эркаклар иш стажига камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда** охириги иш жойидан қатъи назар, ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур норма ҳозирги кунда ҳам қонуний кучда ҳисобланади.

Гарчи, ҳозирги кунда Пенсия жамғармаси томонидан фуқароларга айрим касблар, лавозимлар ишлар ва вазифалар Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-сонли Рўйхатларга 2013 йилнинг 13 январь кунидан рўйхатдан чиқиб кетганлиги сабабли имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлашнинг имкони мавжуд эмас, деб ҳисобланаётган бўлсада, бироқ “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси талабларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланилади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси қонунининг амал қилиши у амалга киритилганига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар қонунда мазкур қонун қабул қилинганга қадар жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки энгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этиш ёхуд кучайтириш назарда тутилса, шунингдек агар қонуннинг қўлланилиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказиладиган бўлса, қонунга орқага қайтиш кучини беришга йўл қўйилмайди.



Кўриниб тарихидики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-сонли Рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 03.01.2013 йилда 2409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган умумий белгиланган ёшда 10 ва 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2 ва 3-сон рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори 2013 йилдан олдинги муносабатларга тадбиқ этилмаслиги ва айнан ушбу қарорда илгариги муносабатларга тадбиқ этилиши кўрсатилмаганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Демак, Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан амалдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун 12-моддасининг “б” банди талабларига риоя қилмай, қонунларни тўғри шарҳламаслик ва тўғри талқин қила олмаслиги натижасида айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия тайинлаш масаласида низоли ҳолатлар кўпайиб бормоқда.

Шу жумладан, юқорида мисолда кўрсатиб ўтилган фуқаро М.Х. ҳолатида ҳам.

Мен ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 03.01.2013 йилда 2409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 27.12.2012 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган умумий белгиланган ёшда 10 ва 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2 ва 3-сон рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори” 72-қ ва 83-сонли қўшма қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 25.01.2012 йилдаги 2-қ ва 5-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага “2013 йилга қадарли имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар бўйича етарли махсус иш стажига эга бўлган фуқароларга кейинчалик имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи сақлаб қолинсин” деган қўшимча норма киритиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни, 1993 йил, ЎРҚ-938-П-сон, 7, 9, 11 ва 12-моддалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 592-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2022 йил, 12-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори, 28-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарори, 1-3-бандлар, иловага асосан тасдиқланган 1, 2, 3-сон Рўйхатлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 25.01.2012 йилдаги 2-қ ва 5-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 03.01.2013 йилда 2409-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 27.12.2012 йилдаги



“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган умумий белгиланган ёшда 10 ва 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2 ва 3-сон рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори” 72-қ ва 83-сонли қўшма қарори.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗО ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Давлетов Артур Жумабаевич,
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби тингловчиси
Телефон: +99890 575-90-07
av.a.davletov@mail.ru

Аннотация: Оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган давлат хизматлари билан боғлиқ низоларни суд амалиётида кўриб чиқишда бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун мазкур мақолада давлат хизматлари билан боғлиқ низо тушунчасини очиб беради ва олимларнинг бу борадаги илмий ёндашувлари ҳам изланишлари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: давлат хизматлари, низо, оммавий ҳуқуқий низо, маъмурий-ҳуқуқий низо.

Бугунгикунда давлат хизматлари сифатини ошириш мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. “Давлат хизматлари” тушунчасининг ўзи Ўзбекистонда фақат маъмурий ислохотларни амалга ошириш жараёнида қўлланила бошланди. Яъни, давлат хизмати оммавий хизматларнинг тури бўлиб умумий хизматларни ташкил этади.

Албатта инсон бор жойда камчилик ёки қонунбузилиш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Бу ҳоҳ атайлаб ҳоҳ билмастан эътибрсизлик оқибатида қилинган бўлсин унинг оқибатлари маълум бир шахсга гоҳида жамиятга ўзининг таъсирини кўрсатади. Табиийки у ёки бу соҳада жисмоний ва юридик шахслар билан давлат органлари орасида низолар келиб чиқади.

Бундай ҳолларда ушбу шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун, яъни адолат топиш учун судга мурожаат этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади деб қўйилган.

Давлат хизматлари билан боғлиқ низо тушунчасини англаш учун, биринчи навбатда, “оммавий ҳуқуқий муносабат”, “оммавий ҳуқуқий низо”, “маъмурий иш” ва “маъмурий ҳуқуқий низо” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини билиб олиш зарур.

Сабаби давлат хизматлари бўйича низолар ўз таркиби бўйича оммавий низоларнинг таркиби деб ҳисобласак адашмаган бўламиз. Энди оммавий ҳуқуқий низо ва маъмурий ҳуқуқий низоларни таҳлил қилганимизда ҳуқуқий низони, можарони бир кўришимиз зарур деб ҳисоблаймиз.

Табиийки савол туғилади, ўзи ҳуқуқий можаро(конфликт), ҳуқуқий низонинг моҳияти деганда нимани тушунамиз? Ҳуқуқий можаро(конфликт) ҳақида гапирганимизда, унинг иштирокчиларининг маълум бир қаршиликлари билан боғлиқлигини ва кўпинча низо шаклида ифодаланишини таъкидлаш керак. Конфликт ҳуқуқий маънода низонинг бошланиш(олд) шарт бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки бир қатор ҳолларда низоли вазият томонларнинг келишуви билан ҳал қилиниши ва низоли ҳуқуқий муносабатларга айланиб қолмаслиги мумкин¹.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқий зиддият, ижро этувчи ҳокимият фаолияти соҳасидаги ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган муносабатлар характериға кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу муносабатлар оммавий ҳуқуқий характериға ифодалай-

¹ Лупарев Е.Б. Общая теория административно-правового спора. Воронеж, 2003. С. 11.



ди¹.

Низонинг ҳуқуқий моҳиятига таъсир этувчи моддий шарт унинг мазмунидир. Шундай қилиб, фуқаролар ўртасидаги, масалан, мерос тўғрисидаги низо фуқаролик характериға эға, маъмурий орган ва фуқаро ўртасида уни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш билан боғлиқ бўлган низо оммавий ҳуқуқий мазмуниға ва аниқроғи, маъмурий-ҳуқуқий мазмуниға эға (маъмурий низо).

Кўриниб турибдики, гап фақатгина юқоридаги низо турларининг фарқи ушбу низоларнинг бирида иштирок этаётган субъектгагина боғлиқ эмас, балки бу мунозаранинг муҳим нуқтаси бўлган моҳиятиға ҳам боғлиқ. Юз йилдан ошиқ вақт олдин Н.Коркунов оммавий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиши керак бўлган маъмурий ва фуқаролик юстицияси ўртасидаги фарқни келтириб, буни оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги фарқ сифатида ифода этди².

Маълум бўлишича, агар процессуал муносабатлар ёрдамида хусусий ҳуқуқий муносабатлар (фуқаролик ҳуқуқи, уй-жой ва бошқалар) амалға оширилса, у ҳолда хусусий ҳуқуқ низолари юзаға келади; агар процессуал муносабатлар маъмурий, молиявий, солиқ, бюджет ва бошқа оммавий моддий ҳуқуқий муносабатларни амалға оширишға ёрдам берса, у ҳолда оммавий ҳуқуқий низо келиб чиқади. Бу шуни англатадики, оммавий-ҳуқуқий низо - бу унинг мазмуни ҳисобланган ҳуқуқнинг оммавий тармоқлари масалаларидан иборат бўлган низо. Масалан, тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки тадбиркорлик субъектларни тугатиш масалалари бўлган низони давлат хизматларига оид оммавий низо деб аташ мумкин; солиқ масалалари - солиқ оммавий низоси, маъмурий масалалари - маъмурий низо ва бошқалар. Табиийки, маъмурий оммавий низолар моддий маъмурий муносабатларнинг процессуал таъминланишида ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловға эришиш даражасини ошириш, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалға оширилмоқда. Шу билан бирға Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни маъмурий судларда кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратининг қўлланиш соҳасини кенгайтириш, қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунға хилоф эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини уни қабул қилган мансабдор шахснинг зиммасиға юклатиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш, шунингдек суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилган.³

Масалан, давлат хизматлари соҳасида низоларда бир томондан фуқаро ёки тадбиркорлик субъекти иккинчи томондан давлат туради, бунда рўйхатдан ўтказиш, руҳсат бериш, лицензиялаш каби низоларни айтишимиз мумкин. Яъни, маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахсларға қилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида маъмурий-ҳуқуқий низолар келиб чиқиши натижасида юзаға келади.

А.Б.Зеленцовнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий низо — фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки маъмурий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги масалалари бўйича маъмурий ҳуқуқий муносабатдир⁴. А.П.Алехин эса ушбу муносабатларда ҳокимият ваколатларига эға бўлган субъект томонидан бошқа томоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари бузилди деб ўйлаши

¹ Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., 2001; *Хаманева Н.Ю.* Теоретические проблемы административно-правового спора // Государство и право. 1998. № 12. С. 29–36.

² Коркунов Н.М. Русское государственное право. СПб., 1889.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали химоя қилинишини таъминлаш бўйичақўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни 1-2 бандлари, 2023 йил 26 апрель, ЎРҚ-833.

⁴ Публично-правовой спор, как предмет административного судопроизводства. http://studies.in.ua/admin_proces-seminar/2125.



натижасида келиб чиқадиган низолар деб ўйлайди¹. Н.Ю.Хаманева “маъмурий-ҳуқуқий низо” тушунчасини юридик низонинг бир кўриниши сифатида таърифлаб, мазкур низо бошқарув жараёнида юзага келиши, субъектларнинг алоҳида мақомга эга эканлиги ва низонинг махсус тартибда ҳал этилиши сингари хусусиятларини кўрсатиб ўтади². Одатда, маъмурий ҳуқуқий низолар бошқарувчи органлар томонидан бошқарилувчи шахсларга таъсири натижасида, масалан давлат хизматлари маркази давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг маъмурий акти қабул қилиниши ёки қабул қилинишда рўйхатдан ўтказишни рад этилиши ва бу таъсирни шахс ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган деб ўйлаганида вужудга келади. Бу каби низолар бошқарувчи томоннинг ташаббуси билан ҳам, шунингдек прокуратура органларининг маъмурий органлар ҳужжатлари ва ҳаракатлари устидан протест киритиши натижасида ҳам бошланиши мумкин. Бу масала Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасида ҳам кўйидагича келтирилган: конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Жисмоний ва юридик шахслар кўпинча ҳуқуқни қўллаш актлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан кенг фойдаланадилар.

Юқоридагиларга кўра таъкидлайдиган бўлсак, булар каби тушунча берилиши судлар ўртасидаги ишларнинг тааллуқлилиги масаласини бироз ноаниқликка олиб келади. Тўғри, кодексда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва маъмурий судларга тааллуқли ишлар мустасно деб келтирилиши муаммони бироз юмшатади, лекин тўлиқ ечим бера олмайди. Сабаби шахс маъмурий судларга тааллуқли ишлар масаласини аниқ белгилаб олиши учун МСИЮТКдан ташқари бошқа кодекслардаги (масалан, иқтисодий, фуқаролик) тааллуқли ишлар рўйхатини билишига мажбур бўлиб қолади. Бунинг натижасида шахс қайси судга мурожаат қилишида чалқашликларга сабаб бўлишига олиб келади, чунки орадаги фарқ аниқ очиб берилмаган. Вазиятни МСИЮТКнинг 26-моддаси иккинчи қисми ҳам мураккаблаштиради, сабаби маъмурий судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланиб қўйилмоқда, лекин улар қайсилар эканлиги ҳақидаги савол туғилади. Демак, ушбу тааллуқлилиқ масаласини ҳал қилишимиз баробарида судлардаги ортиқча нотушунмовчиликларнинг олдини олинишига ёрдам беради.

Маъмурий жараённинг муҳим вазифаси суд томонидан оммавий ҳуқуқий, яъни давлат хизматларига оид низоларни кўриб чиқишнинг ҳуқуқий шакли сифатида маъмурий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклашдир. Фуқаро ёки ташкилот ҳуқуқий ҳужжатни судга шикоят қилиш билан тегишли орган ёки мансабдор шахснинг ҳаракатлари (қарорлари) билан рози эмаслигини эълон қилади ва ноқонуний деб эълон қилишни талаб қилади. Ушбу турдаги муносабатларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъект ўзининг ҳақ эканлигини исботлаши лозим. Бундай ҳолларда, суд мустақил ва холис ҳакамлик вазифасини бажаради. Шундан келиб чиқиб юқоридаги олимларнинг фикрларига кўшилган ҳолда, маъмурий суд ишларини юритиш алоҳида тартибда ва процедуралар асосида юритилиши тўғрисидаги мулоҳазаларга кўшилаемиз. Сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, маъмурий ишларда ҳар доим бир томон нотенг муносабатда бўлади ва бу бошқа суд процессларидан фарқ қилишига олиб келади.

Демак, давлат хизматлари билан боғлиқ низоларни 2 та гуруҳга ажратишимиз мумкин.

Биринчиси, бевосита давлат хизматлари марказлари орқали жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматлари соҳасидаги низолар, яъни буларга давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказишга оид низолар ҳамда тадбиркорлик субъектларни тугатишга оид низоларни ташкил этади.

Иккинчиси, давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли органлар билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги низоларни келтиришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги таҳлиллар, амалий хулосалар ва

¹ Алехин А.П. Административное право России. – М.: 2015, С. 56.

² Хаманева Н.Ю. Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006. № 11. С. 5-13



хорижий олимларнинг назарияларини ўрганиш давомида бир қанча назарий, ташкилий ва амалий тавсия ҳамда шуборада жамланган фикрларимизни келтириб ўтдик. Ушбу келтирилган тавсияларимиз маъмурий ислохотларнинг туб моҳияти саналган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон, <https://lex.uz/docs/6445145>;
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон. <https://lex.uz/docs/3527353>;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон. <https://lex.uz/docs/6442570>.
4. Актуальные вопросы развития института государственных услуг в Узбекистане: И. А. Хамедов [и др.].— Т.: Baktria press, 2016. – 130 с., [https://www.railway.uz/upload/iblock/d4d/d4d111bb54335ffd4fab4778d56907f2.p df](https://www.railway.uz/upload/iblock/d4d/d4d111bb54335ffd4fab4778d56907f2.pdf)
5. Лупарев Е.Б. Общая теория административно-правового спора. Воронеж, 2003.
6. Зеленцов А.Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции. М., 2001; *Хаманева Н.Ю.* Теоретические проблемы административно-правового спора // Государство и право. 1998.
7. Коркунов Н.М. Русское государственное право.
8. Алехин А.П. Административное право России. – М.: 2015.
9. *Хаманева Н.Ю.* Административно-правовые споры: проблемы и способы их разрешения // Государство и право. 2006.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2023

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000